Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

7

48 йил чиқиши
№ 101 (13.363).
МАЙ
1966 йил
ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Совет халқи моддий фаровонликни ошириш учун курашда партия раҳбарлигида кўп нарсаларни қўлга киритди. Кимки меҳнаткашлар фаровонлигининг тағин ҳам кўпроқ оширилишини истаса, у, коммунистлар партиясининг сиёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРГА—И ШЧИЛАРГА, ДЕҲҚОНЛАРГА, СОВЕТ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИГА, СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ ЖАНГЧИЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи граждан лари!

1966 йил 12 июнда юксак гражданлик бурчингизни бажаришингиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига депутатлар сайлашингиз керак.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси СССР Олий Совети сайловини партиясизлар билан мустаҳкам блок бўлиб, маҳкам иттифоқлиқда кутиб олмоқда.

Бу йилги сайлов кампанияси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIII съезднинг қарорларидан илҳомланган меҳнаткашлар оммасининг снёсий ғайрати ўсган ва ижодий активлиги юксалган бир вазиятда ўтказилмоқда.

КПСС XXIII съезди мамлакат тараққиётининг энг муҳим иқтисодий ва сиёсий проблемаларини ленинча принципиаллик ва ишчанлик билан қараб чиқди, партиянинг яқин йилларга мўлжалланган вазифаларини белгилади. Коммунистлар, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари съезднинг қарорларини якдиллик билан маъқулладилар ва бу қарорларни амалга ошириш учун фидокорона курашни авж олдирмоқдалар.

Бизнинг Ватанимиз ҳозирги кунда жаҳоннинг энг йирик индустриал давлатларидан бири, эксплуататор-синфлар, социал ва миллий зулм бўлмаган энг илғор ижтимоий тузум ўрнатилган мамлакатдир. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари инсоният тарихида биринчи бўлиб социализм қурдилар ва эндиликда коммунистик жамиятни барпо қилиш вазифаларини ҳал этмоқдалар.

Совет кишилари босиб ўтилган йўлга назар солганларида социалистик Ватанимиз Коммунистик партия раҳбарлигида эришган жуда катта муваффақиятлар билан ҳақли суратда фахрланадилар.

Бизнинг йўлимиз енгил эмас эди. Жаҳон реакциясининг бирлашган кучлари ҳарбий интервенция ва қонли террор йўли билан, снёсий ва иқтисодий жиҳатдан қамал қилиш йўли билан ёш Совет давлатини бўғиб ташлашга уринган пайтлар бизнинг эсимизда турибди. Кўп миллатли совет халқи Коммунистик партия теварагига бирлашди, ўзининг ҳамма кучларини тўплаб, империалистларнинг ҳамласини даф қилди ва жуда катта қийинчиликларни енгиб, социализм қура бошлади. Совет кишилари тўйиб овқат емадилар, машаққатларга бардош бердилар, биринчи электростанцияларимиз, завод ва фабрикаларимизни қурмоқ учун ҳар бир сўмни тежаб-тергадилар. Капитализм дунёси ўша вақтда совет кишиларидан заҳарханда билан кулган эди, социализм қуриш планлари барбод бўлади, деб фол очган эди.

Совет мамлакати ўзининг улуғ мақсади сари ғалаба йўлидан борганда империалистлар тиш-тирноғигача қуроллаган фашист ғалаларни бизга қарши ташладилар. Ана шу фашист ғалалар мамлакатимизга бостириб кириб, хотин-қизларни, болаларни ва кексаларни ўлдирдилар, шаҳар ва қишлоқларни бутунлай ёндириб юборилар, халқнинг зўр меҳнати билан вужудга келтирилган нарсаларнинг ҳаммасини вайрон қилдилар. Коммунистик партия ва совет халқи оғир синов йилларида сира ҳам бўшашмадилар, ўзининг ҳамма кучларини сафарбар этиб, агрессорни тамомила тор-мор қилдилар.

Барча қийинчиликларни енгиб, халқ хўжалигини тиклаб олган ва мамлакатни индустриал куч-қудратнинг чўққисига кўтара-олган, уни жаҳон фани ва техникасининг илғор марраларига олиб чиқа олган халқ ва Коммунистик партиянинг кучлари ҳақиқатан ҳам битмас-туганмасдир. Бизнинг социалистик тузумимиз, совет халқи билан Коммунистик партиянинг бузилмас бирлиги, совет кишиларининг коммунизм ғояларига садоқати ана шу кучларнинг манбаидир.

КПСС Марказий Комитети бугун совет халқига мурожаат қилиб, мамлакатда ўтган тўрт йил ичида, яъни СССР Олий Советига аввалги сайловдан бўён ўтган пайт ичида, нималар қилганлигини маълум қилишни ва келажакка мўлжалланган планлар тўғрисида, экономика ва маданиятни ривожлантириш учун, халқнинг турмушини янада яхшилаш учун нималар қилмоғимиз кераклиги ҳақида сўзлаб беришни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

Совет кишилари сайловни партия XXIII съезднинг қарорлари байроғи остида кутиб оладилар. Етти йилликнинг якунлари ва янги беш йиллик план перспективалари Коммунистик партияни, совет халқини илҳомлантиради. Бизнинг мамлакатимиз беш йиллик планнинг тик босқичларидан кўтарилиб, коммунизм чўққилари сари оғишмай ҳаракат қилиб бормоқда, тобора қудратли ва гўзал мамлакатга айланмоқда. Жаҳон халқлари социалистик системанинг капиталистик системага нисбатан афзал эканлигига тобора зўр ишонч ҳосил қилмоқда.

Ишчи ўртоқлар!

Бизнинг мамлакатимиз СССР Олий Совети сайловини социалистик саноатни ривожлантиришда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Совет Иттифоқи саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми жиҳатидан жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаб турибди ва бутун жаҳон саноат маҳсулотининг қарийб бешдан бир қисмини тайёрламоқда.

Етти йиллик даврида саноат маҳсулотининг ҳажми 84 процент ўсди, халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари қарийб икки баравар кўпайди; истеъмол қилиш ва жамғариш учун фойдаланилган миллий даромад 53 процент кўпайди. Аввалги сайлов пайтидан бўён ўтган йиллар ичидагина 2500 дан ортиқ замонавий йирик саноат корхоналари қурилди ва ишга туширилди.

Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқариш ўсмоқда. 1965 йилда Совет Иттифоқида тўққиз миллиард метрдан кўпроқ газлама, 486 миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқарилди. Радиоприёмник, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари, мотоцикл ва бошқа товарлар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Бу муваффақиятлар бизнинг турмушимиз, маишатимизда реал сезилиб турибди. Эришилган муваффақиятлар ишчилар синфининг, инженерлар ва техникларнинг саноатдаги, қурилиш ва транспортдаги барча ходимларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Партия ўз съездида муваффақиятларнигина таъкидлаб қолмай, балки камчилик ва қийинчиликлар тўғрисида ҳам халққа сўзлаб берди. Кейинги йилларда саноат ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари бирмунча секинлашди, асосий фондлардан ва капитал маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги пасайди. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш юзасидан берилган топшириқлар тўлиқ бажарилмади.

Бутун партия ва совет халқи якдиллик билан қўллаб-қувватлаган март ва сентябрь (1965 йил) Пленумларининг қарорлари янги беш йиллик планни муваффақиятли бажариш учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. КПСС XXIII съезднинг беш йиллик план ҳақидаги Директивалари совет халқининг коммунизм моддий техника базасини вужудга келтириш йўлидаги курашида муҳим босқичдир. Беш йиллиқнинг асосий вазифаси фан ва техника муваффақиятларидан ҳар томонлама фойдаланиш, бутун ижтимоий ишлаб чиқаришни индустриал ривожлантириш, унинг самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш асосида саноатни янада анча ўстиришни, қишлоқ хўжалигини доимий тез суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашдан ва шу туфайли халқ турмуш даражасини анча юксалтиришдан иборат.

Беш йилликда неча юзлаб завод ва фабрикаларни, шахта ва электростанцияларни қуриш керак. Аҳоли учун товар тайёрловчи саноат корхоналари қурилиши кенгайтирилади. Бунинг учун ўтган беш йил ичида сарфланганига нисбатан қарийб икки баравар кўпроқ маблағ сарф қилинади.

Янги шаҳар ва посёлкалар барпо этилади, янги уй-жойлар, мактаблар, болалар яслилари ва боғчалари, клуб, кутубхона, спорт иншоотлари, поликлиника ва касалхоналар қурилади.

Партия сизларни — ишчиларни, бинокорларни, инженер ва техникларни корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тинмай яхшилашга, иқтисодий кўрсаткичларни, меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини тинмай оширишга чақиради. Совет экономикасини янада кучли суратда юксалтириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирингиз! Ижодий ташаббусни кучайтирингиз, фан ютуқлари ва илғор тажрибадан, моддий ва маънавий стимуллардан тўлароқ фойдаланингиз! Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашингиз!

Бизнинг халқимиз КПСС раҳбарлигида замонавий индустрияни вужудга келтиришда, социалистик саноатнинг кучқудратини мустаҳкамлашда ҳақиқатдан ҳам тарихий ғалабаларга эришди. Социалистик саноатимизнинг бундан буён ҳам муваффақиятли ривожланиб боришига, совет экономикасининг доим техника тараққиёти йўлидан бориб, мамлакатни юқори сифатли замонавий саноат маҳсулоти билан таъминлаб туришига интилган кишн коммунистлар партиясининг снёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беради.

Деҳқон ўртоқлар!

Коммунистик партия қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга катта аҳамият бермоқда. Кейинги тўрт йил ичида бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ўсди. Бу — колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, агрономлар ва зоотехникларнинг, инженер-механизаторларнинг зўр ғайрат билан қилган меҳнати самарасидир. Аммо етти йиллик планнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги топшириқлари бажарилмай қолганлигини ҳам биласиз.

КПСС XXIII съезди март (1965 йил) Пленумининг қарорларини тўла маъқуллади. Партия март Пленумида ана шу камчиликларни йўқотиш чораларини ишлаб чиқди. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси ва моддий техника базаси мустаҳкамланмоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлиги ошмоқда. Колхоз ва совхозлар бутун беш йил мобайнида давлатга сотиладиган маҳсулотларнинг қатъий планларини олдилар, деҳқончилик ва чорвачилик етиштириб берадиган кўпгина маҳсулотларнинг ҳарид нархлари оширилди, қишлоқ хўжалик машиналарининг ва запас қисмларининг, минерал ўғитларнинг, қишлоққа берилаётган электроэнергиянинг нархлари туширилди.

Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси ҳозир ўз натижаларини бермоқда. Ўтган йил кўп районларда қурғоқчилик бўлганлигига қарамай, қишлоқ хўжалиги аввалги йилларнинг ҳар биридагига қараганда ҳам кўпроқ маҳсулот берди. Чорвачиликда ишлар юришиб кетди. Колхозларнинг даромадлари кўпайди.

Совет кишиларининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг эса қишлоқ хўжалик хом ашёсига ўсиб бораётган эҳтиёжларини йилдан-йилга тобора тўлиқроқ қондирмоқ учун қилинадиган ишлар ҳали кўп, албатта. Хўш, бунинг учун нималар қилиш керак? Аввало, ушбу беш йилликда муттасил мўл ҳосил олишга эришиш, мамлакатнинг ҳамма зоналарида ерларнинг унумдорлигини зўр бериб ошириш, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини кўтариш керак.

КПСС XXIII съезди Директиваларида қишлоқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларни икки баравар чамаси кўпайтириш, қишлоққа бундан олдинги беш йилдагига қараганда 700 мингта кўп трактор, 680 мингта кўп юк автомобили, 4 миллиард сўмлик кўп қишлоқ хўжалик машиналари бериш кўзда тутилди. Колхоз ва совхозлар 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан икки баравар кўп минерал ўғит оладилар. Мелиорация ишларининг кенг программаси амалга оширилади.

Давлат колхоз ва совхозларга нимаики бераётган бўлса, шуларнинг ҳаммасидан омилкорлик билан фойдаланиш лозим.

Партия сизларни, колхозчи, совхоз ишчиси бўлган ўртоқларни, экономикани бутун чоралар билан ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга, ҳар бир хўжаликнинг рентабелли бўлишига эришишга, деҳқончилик маданиятини оширишга, фан ва практика бераётган илғор нарсаларнинг ҳаммасини жорий қилишга, давлат олдидаги мажбуриятларни бажаришга чақиради.

Халқимиз социалистик қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун курашда КПСС раҳбарлигида катта муваффақиятларга эришди. Кимки социалистик қишлоқ хўжалиги янада яхшироқ ривожланиб, маҳсулотларни мўл-кўл қилиб берадиган бўлишига интилса, у коммунистлар партиясининг снёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

Совет знёлилари, ўртоқлар!

Совет Ватани — илғор фан ва социалистик маданият мамлакати эканлиги билан ҳаммамиз фахрланамиз. Халқимиз бундан ярим асрча муқаддам батамом деярли саводсиз эди. Эндиликда эса, энг ўқимишли халқ бўлиб қолди. Совет кишиси биринчи бўлиб космоса чиқди, узоқ планеталарга борди етган ажойиб машиналарни яратиб берди.

Совет Иттифоқида 70 миллионга яқин киши ўқиётганлигини бутун дунё билади. Бизнинг мамлакатимизда АҚШдагига қараганда қарийб тўрт баравар кўп инженер тайёрланмоқда. Фанни ривожлантиришга жуда катта эътибор берилмоқда. Кейинги тўрт йил мобайнида мамлакатда ўнлаб янги илмий тадқиқот институтлари барпо қилинди, иттифоқдош республикаларнинг илмий марказлари ўсиб ва мустаҳкамланиб борди. Космик фазони тадқиқ қилишда, ядро физикасида, математика, электроника, радиотехника, металлургияда бизнинг Ватанимиз олдинги позицияларни эгаллаб турибди.

Мамлакатда маориф, фан, адабиёт, санъатни янада ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилишни Коммунистик партия ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади.

Сайловлар арафасида партиямиз совет знёлиларини фан ва маданият соҳасида Ватанимизнинг янада тараққий этиши учун курашишга чақиради. Партия совет знёлиларини ош авлодни мустаҳкам билимлар билан тағин ҳам активроқ қуроллантиришга; юқори малакали, ҳар томонлама билимдон, коммунизм идеалларига садоқатли мутахассислар тайёрлашга, совет фанини ривожлантира бориб, ҳамма соҳаларда унинг биринчиликни олишини таъминлашга; совет кишиларининг соғлиғини сақлашни бутун чоралар билан яхшилашга, совет халқи қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлигини ва гўзаллигини бадиий асарларда ёрқин акс эттира беришга чақиради.

Янги беш йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга ошириш, экономикамизни ва маданиятимизни янада ривожлантириш совет кишиларини юксак коммунистик ғоявийлик руҳида тарбиялаш билан чамбарчас боғланган. Жамиятимизнинг ҳамма аъзолари нақадар онгли бўлса, уларнинг ижодий активлиги шу қадар юқори бўлади, коммунизм қуришга ҳар бир кишининг кўпгина ва ҳиссаси шу қадар салмоқдор бўлади.

Совет халқи фан, маданият ва санъатни ривожлантириш учун курашда партия раҳбарлигида жуда улкан ютуқларни қўлга киритди. Кимки совет фани ва маданиятининг янада равнақ топишини истаса, кимки мана шу соҳаларда Совет Иттифоқининг жаҳон миқёсидаги позициялари мустаҳкамлана бериши истаса, у, коммунистлар партиясининг снёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчилари бўлган ўртоқлар!

Сизлар — Ватанимиз мустаҳкам чегараларининг мард посбонларисиз. Сизлар совет кишиларининг тинч меҳнатини сергаклик билан муҳофаза қилиб турибсиз. Сизларни социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга керакли энг янги ва даҳшатли техника билан қуроллантирмоқ учун халқ, партия ва давлат зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқда ва бундан буён ҳам кўраверади. Сизларнинг вазифангиз шунки, жанговар қуролни мукаммал эгаллаб олишингиз, ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба бермоқ учун ҳамиша шай бўлиб туришингиз лозим.

Сайлов арафасида Коммунистик партия совет жангчиларини снёсий ва жанговар тайёргарликни бундан буён ҳам ошираверишга чақиради. Коммунист ва комсомол жангчилар бутун армия учун бундан буён ҳам ўрнак бўлиб хизмат қилишига партия шак-шубҳа қилмайди ва ўз қасамига содиқ бўлган барча ҳарбий хизматчилар бундан буён ҳам социалистик Ватанимизни каттиқ туриб ҳимоя қилаверади, деб чуқур ишонч билдиради.

Совет кишиларининг тинч меҳнат қилишига керакли шарт-шароитни таъминлаб бермоқ учун совет халқи партия раҳбарлигида зарур чораларнинг ҳаммасини кўрмоқда. Кимки мудофаа қобилиятимизни сақлаб қолишни ва кучайтиришни истаса, кимки мустаҳкам тинчликни ҳоҳласа, у коммунистлар партиясининг снёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

Сайловчи ўртоқлар!

Совет Иттифоқи — кўп миллатли давлат. Барча миллатлар ва халқларнинг чинакам қардошлик иттифоқи вужудга келтирилганлиги социалистик революциянинг энг улкан ғалабаларидан бири бўлди.

Миллий адоват, эски Россия халқларининг орасига нифоқ солиб келган замонлар ўтмишда қолиб кетди ва эзди асло қайтмайди. Совет Иттифоқининг тенг ҳуқуқли қардош халқлари асрий қолоқликни енгиб, ягона аҳил оила бўлиб, коммунизм сари дадил олға бормоқдалар.

Миллий республикаларни ривожлантиришда ўтган тўрт йил мобайнида янги-янги зўр муваффақиятлар қўлга киритилди. Иттифоқдош ва автоном республикаларда саноат, қишлоқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда. Совет халқларининг маданияти юксак даражада равнақ топди.

Совет кишилари кўп миллатли давлатимизни мустаҳкамлаш учун, СССРдаги ҳамма халқларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун курашда партия раҳбарлигида жуда катта ғалабаларга эришдилар. Кимки халқлар дўстлиги бундан буён ҳам мустаҳкамлана бериши, қардош республикалар экономикаси ва маданияти янги чўққиларга кўтарилиши, уларнинг яхлит Совет Иттифоқида янада жипслашувини истаса, у коммунистлар партиясининг снёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

Сайловчи ўртоқлар!

КПСС XXIII съезднинг беш йиллик планга доир Директивларида кўп миллатли совет халқининг турмуш даражасини янада кўтариш жуда катта аҳамият берилган.

Совет кишилари ўз меҳнатларининг самараларини реал ҳис қилмоқдалар. Уларнинг турмуши йилдан-йилга моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бадавлат, сермазмун бўлиб бормоқда. Социализм халқимизнинг онгига, бутун вужудига сингиб кетди, совет турмуш тартибининг мазмуни бўлиб қолди. Социалистик тузум қандай афзалликлар бераётганлигини эндиликда ҳар бир киши яхши тушуниб, ўз кўзи билан кўриб турибди.

Империализм идеологлари буржуазия ғарбидаги турмушни зўр бериб мақтайдилар. Шу билан бирга, улар эксплуатация, социал ва миллий зулм нималигини, ишсизлик ва унинг оғир қулфатлари нималигини кўрмаган ва ўз келажагига ишончи комил бўлган совет халқининг буюк социал ғалабалари тўғрисидаги ҳақиқатдан қўрқадилар. Буржуа пропагандистлари бизнинг мамлакатимизда халқ текин медицина хизматидан фойдаланаётганлигини, пенсия билан таъминланаётганлигини, бизнинг мамлакатимизда квартира учун энг кам ҳақ тўланаётганлигини ёшларга уринадилар. Бизнинг мамлакатимизда болалар муассасаларига, пионер лагерларига, халқ маорифига, фақат социализмгина халққа бериши мумкин бўлган ва бераётган ҳамма неъматларни яратишга сарфланаётган маблағларни ҳисоблаб чиқиш буржуа пропагандистларини шарманда қилади. Социализм меҳнаткаш халқ, ҳар бир киши турмушининг туб проблемаларини ечиб бермоқда. Аммо, капитализм меҳнаткашлар оммасига душмандир, инсонга душмандир. Капитализм фойда кетидан қувиб, ишчиларни эксплуатация қилишнинг энг шафқатсиз формаларини қўллаб-мокда.

Бизнинг мамлакатимизда ўтган тўрт йил давомида партия ва ҳукумат меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга доир янги катта тадбирларни амалга оширдилар. Реал даромадлар аҳоли жон бошига ҳисобланганда 18 процент чамаси ошди. Фақат кейинги икки йилнинг ўзидагина аҳолига бевосита хизмат кўрсатаётган тармоқлардаги йигирма миллион ходимнинг иш ҳақи оширилди.

Колхозчиларнинг ҳар бир иш кунига тўланаётган ҳақ 1965 йилда бундан олдинги йилдагига нисбатан 17 процент кўпайди. Совет кишилари жамоат фондларидан олаётган моддий неъматларнинг миқдори кўпайиб, 1965 йилда 41,5 миллиард сўмдан иборат жуда катта маблағни ташкил қилди. Ўтган йилдан бошлаб саккиз миллионга яқин колхозчи пенсия оладиган бўлиб қолди. Улуғ Ватан уруши инвалидларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига берилаётган имтиёзлар кўпайтирилди.

Газламалар, кийим-кечаклар ва бошқа баъзи молларнинг чакана нархлари туширилди. Қишлоқ жойларида сотилаётган молларнинг нархлари туширилди ва шаҳар нархларига тенглаштирилди. Шаҳар ва қишлоқда аҳолини моллар билан таъминлаш муттасил яхшиланиб бормоқда.

(Охири иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА

ОЧИҚ ХАТ

Биз, қуйида имзо чеккан КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, ҳар биримиз корхоналар, колхозлар, совхозлар, муассасалар, турли жамоат ташкилотлари коллективларидан, шунингдек сайловчиларнинг сайлов олди кенгашларидан хат ва телеграммалар олдик. Улар ана шу хат ва телеграммаларида бизларни бир қанча сайлов округларидан еттинчи чақириқ СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатганликларини маълум қиладилар ва ана шу округларда овозга қўйилишга розилик билдиришимизни илтимос қиладилар.

Бизларни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатган ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар, барча сайловчиларга самимий миннатдорчилик изҳор қиламиз. Бизга кўрсатилган юксак ҳурмат ва ишончни биз совет халқини Ленин кўрсатган йўлдан СССРда коммунизм тантанаси сари дадил бошлаб бораётган шонли коммунистик партиямизга кўрсатилган ҳурмат ва ишонч деб ҳисоблаймиз. Биз бу ишончни партия сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигининг, мамлакатимиз меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун, янги беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун курашга ўзининг кучини бағишлашга қатъий бел боғлаганлигининг яна бир далили деб ҳисоблаймиз.

Ҳар биримиз фақат бир сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкин бўлганлиги сабабли КПСС Марказий Комитети бизларга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилишга розилик билдиришни тавсия этди.

Брежнев Л. И. — Иттифоқ Советига, Бауман сайлов округи, Москва шаҳри.

Воронов Г. И. — Иттифоқ Советига, Новосибирск — Октябрь сайлов округи, Новосибирск шаҳри.

Кириленко А. П. — Иттифоқ Советига, Свердловск — Чкалов сайлов округи, Свердловск шаҳри.

Косигин А. Н. — Миллатлар Советига, Москва шаҳар сайлов округи, РСФСР.

Мазуров К. Т. — Иттифоқ Советига, Минск шаҳар биринчи сайлов округи, Минск шаҳри.

Пельше А. Я. — Миллатлар Советига, Киров сайлов округи, Латвия ССР.

Подгорний Н. В. — Иттифоқ Советига, Ленинград сайлов округи, Москва шаҳри.

Полянский Д. С. — Миллатлар Советига, Краснодар сайлов округи, РСФСР.

Суслов М. А. — Иттифоқ Советига, Киров сайлов округи, Ленинград шаҳри.

Шелепин А. Н. — Миллатлар Советига, Ленинград шаҳар сайлов округи, РСФСР.

Шелест П. Е. — Иттифоқ Советига, Киев — Жовтневое сайлов округи, Киев шаҳри.

Гришин В. В. — Иттифоқ Советига, Орехово—Зуево сайлов округи, Москва области.

Демичев П. Н. — Иттифоқ Советига, Дзержинский сайлов округи, Москва шаҳри.

Кунаев Д. А. — Иттифоқ Советига, Олмаота — Ленин сайлов округи, Олмаота шаҳри.

Машеров П. М. — Миллатлар Советига, Минск — Совет сайлов округи, Белоруссия ССР.

Мжаванадзе В. П. — Миллатлар Советига, Тбилиси — Киров сайлов округи, Грузия ССР.

Рашидов Ш. Р. — Миллатлар Советига, Тошкент — Ленин сайлов округи, Ўзбекистон ССР.

Устинов Д. Ф. — Миллатлар Советига, Ленин сайлов округи, Удмуртия АССР.

Шчербицкий В. В. — Иттифоқ Советига, Киев — Ленин сайлов округи, Киев шаҳри.

Андропов Ю. В. — Иттифоқ Советига, Таллин шаҳар сайлов округи, Таллин шаҳри.

Капитонов И. В. — Иттифоқ Советига, Кинешема сайлов округи, Иваново области.

Кулаков Ф. Д. — Иттифоқ Советига, Ставрополь сайлов округи, Ставрополь шаҳри.

Пономарев Б. Н. — Миллатлар Советига, Сухуми шаҳар сайлов округи, Грузия ССР.

Рудаков А. П. — Иттифоқ Советига, Горловка сайлов округи, Донецк области.

Еттинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссияларидан бизнинг ушбу мактубимизни депутатликка номзод қилиб рўйхатга олган вақтда ҳужжат деб қарашни илтимос қиламиз.

БРЕЖНЕВ Л. И.
ВОРОНОВ Г. И.
КИРИЛЕНКО А. П.
КОСИГИН А. Н.
МАЗУРОВ К. Т.
ПЕЛЬШЕ А. Я.
ПОДГОРНИЙ Н. В.
ПОЛЯНСКИЙ Д. С.
СУСЛОВ М. А.
ШЕЛЕПИН А. Н.
ШЕЛЕСТ П. Е.
ГРИШИН В. В.
ДЕМИЧЕВ П. Н.
КУНАЕВ Д. А.
МАШЕРОВ П. М.
МЖАВАНАДЗЕ В. П.
РАШИДОВ Ш. Р.
УСТИНОВ Д. Ф.
ШЧЕРБИЦКИЙ В. В.
АНДРОПОВ Ю. В.
КАПИТОНОВ И. В.
КУЛАКОВ Ф. Д.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
РУДАКОВ А. П.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРГА—ИШЧИЛАРГА, ДЕҲҚОНЛАРГА, СОВЕТ ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИГА, СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ ЖАНГЧИЛАРИГА

М У Р О Ж А А Т И

(Боши биринчи бетда).

Санаторийлар, дам олиш уйлари кенгайтирилди ва кўпайтирилди, касалхоналар, поликлиникалар кўпайди. Ҳамма жойда жуда кўп уй-жой бинолари қурилмоқда. Ўтган сайловлардан бери 43 миллион совет киши янги квартираларга ва уйларга кўчиб кирди ёки ўзларининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди.

Буларнинг ҳаммаси ваъдалар эмас, балки фактлардир. Буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунимизнинг жонли ҳақиқатидир. Лекин биз камчиликларимиз ҳали оз эмаслигини ҳам биламиз. Баъзи молларнинг миқдори, хили ва сифати бизни қондира олмайди. Уй-жой биноларини гарчи кўп қураётган бўлсак ҳам, аммо ўзининг уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларимиз ҳали ҳам оз эмас.

Совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишни партия ўз олдига энг муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Ушбу беш йилликда ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳаки ўрта ҳисобда камида 20 процент кўпайтирилади. Иш ҳақининг энг кам миқдори ойига 60 сўмга етказилади. Ижтимоий истеъмол фондлари ҳисобидан бериладиган пул тўловлари ва имтиёзлар камида 40 процент кўпайтирилади. Қариялик пенсияларининг минимал миқдорини ошириш планлаштирилмоқда. Ишга қараб пенсияга чиқаришнинг Қонунда ишчи ва хизматчилар учун белгиланган шартлари колхозчиларга жорий қилинади. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқлари бекор қилиш ва камайтириш чоралари бундан буён ҳам ўтказила беради. Ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги ўса борган сари, халқ истеъмол қиладиган молларнинг чакана нархлари туширила беради.

Уй-жой қурилишига катта эътибор берилади. Беш йил ичида биз умумий саҳни 480 миллион квадрат метрли уй-жой бинолари қурамиз. Қурилишнинг сифати оширилади, уйларимиз тағин ҳам шинам бўлиб қолади, кўрсатилаётган коммунал хизмат яхшиланади.

Ишчи ва хизматчилар икки кун дам олинадиган иш ҳафтасига аста-секин ўтказиладилар, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳар аҳолисининг турмуш даражаси билан янада яқинлаша беради. Беш йил ичида колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан олаётган пул ва натура даромадлари ўрта ҳисобда 35-40 процент ошади; колхозчилар меҳнатига ҳар ойда гарантияланган ҳақ тўлаш жорий қилинади; қишлоқда савдони, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланган.

Совет халқи моддий фаровонликни ошириш учун курашда партия раҳбарлигида кўп нарсаларни қўлга киритди. Кимки меҳнаткашлар фаровонлигининг тағин ҳам кўпроқ оширилишини истаса, у, коммунистлар партиясининг сиёсати учун, коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари учун овоз беражак.

Қўлга киритилган баъзи якунлар ва келажак истиқболлари мана шундай.

Коммунистик партиянинг кучи унинг халқ билан бирлигидадир. Омма билан алоқаси бундан буён ҳам мустаҳкамлай бериши, социалистик демократияни ривожлантира бериши, давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилай бериши, интизомни ва уюшқоқликни бутун чоралар билан ошира бериши партия ўзининг энг биринчи бурчи деб билади.

Совет ҳокимияти меҳнаткашлар оммасининг давлатга раҳбарлик қилишда ҳақиқатан иштирок этишини таъминлайди. Бизнинг социалистик давлатимиз ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлиларнинг туб манфаатларини ифодалайди.

Буржуа давлатлари ўзини қандай шиорлар билан ниқобламасин, бу давлатларнинг бирортаси ўзининг синфий табиати сабабли меҳнаткашларнинг манфаатларини ифодалайдиган сиёсатни ўтказиши мумкин эмас. Буржуазия меҳнаткашларга ҳар хил «эркинликлар» берилади, деб сўзда расмий равишда эълон қила беради. Лекин ҳақиқатда бу «эркинликлар» халқни эксплуатация қилиш ва эзиш учун бўлган эркинликдир, миллатларни ва мустамлакаларни қул қилиш, халқаро миқёсда таловчилик қилиш учун бўлган эркинликдир, холос.

Совет давлатининг демократизми унинг бутун ички ва ташқи сиёсатида ифодаланади. Бу сиёсат совет кишиларининг туб манфаатларига жавоб берадиган сиёсатдир. В. И. Ленин айтган эдики, «Совет Россиясигина... пролетариатга ва Россия меҳнаткашларининг жуда катта кўпчилигининг ҳаммасига ҳеч бир буржуа демократик республикасида кўрилмаган, мумкин бўлмаган ва хаёлга ҳам келтириб бўлмайдиган **озодлик ва демократия** берди».

Риёкор, қалбаки буржуа демократиясидан фарқли бўлган социалистик демократия меҳнаткаш халққа демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни, меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, текин даволаниш, қариб қолганида моддий таъминланиш ҳуқуқини, матбуотда ва йиғилишларда ўз фикрларини эркин айтиш ҳуқуқини амалда таъминлаб беради. Бизда қилинаётган нарсаларнинг ҳаммаси бутун халқнинг, социалистик жамиятнинг истак-орзуларини ва манфаатларини ифодалайди.

Бизнинг Советларимиз — халқ ҳокимияти органларидир. Советлар ўз моҳияти эътибори билан, ўз шакли билан ҳам ҳақиқатан чинакам халқ Советларидир. Меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ишида халқ сайлаб қўйган икки миллиондан кўпроқ вакил қатнашмоқда. Советлар саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга актив таъсир қилмоқда, аҳолига маданий ва маиший хизмат кўрсатишга, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга катта эътибор бермоқда.

КПСС XXIII съезднинг хўжалик ва маданият соҳасида Советлар олдига қўйган энг муҳим вазифалари Советларнинг, Советлар ижроия комитетларининг, доимий комиссияларининг, депутатларнинг ташкилотчилик ишларини мутта-сил такомиллаштириб боришни, социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлашни талаб қилади. Бундан буён ҳам Совет давлатини мустаҳкамлай беришни, социалистик демократияни ривожлантира ва такомиллаштира беришни, коммунистик қурилишда Советларнинг ролини ошира беришни Коммунистик партия ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Азиз ўртоқлар!

СССР Олий Советига сайлов жаҳонда катта ва муҳим ўзгаришлар бўлаётган вазиятда ўтмоқда. Халқаро ишларда ҳал қилувчи фактор бўлган жаҳон социалистик системасининг роли ошиб бормоқда.

Жаҳон миқёсида Советлар мамлакатининг иззат-эътибори тағин ҳам баланд кўтарилди. Давлатимизнинг сиёсати барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг туб манфаатларига, ўз озодлиги учун курашаётган барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб тушмоқда.

Халқаро муносабатларни ривожлантиришдаги иккита асосий йўл: тинчликни ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш сиёсати, империалистик агрессияга қатъий зарба бериш соҳасида Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар амалга ошираётган сиёсат ҳамда империалистик мамлакатлар ва, аввало, АҚШ сурбетлик билан ўтказаётган агрессия, фитна, нғвогарлик ва уруш сиёсати кейинги вақтларда айниқса яққол намоён бўлмоқда.

Ҳозир бутун дунёнинг диққат ва эътибори қаҳрамон Вьетнамга қаратилган. Бу мамлакатда қардош Вьетнам халқи Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг актив мададига таяниб, Америка агрессорларига қатъий зарба бермоқда. КПСС XXIII съезди АҚШнинг Вьетнамга қарши агрессиясини тўхтатишни ва интервенциячиларнинг ҳамма қўшинларини олиб чиқиб кетишни партия ва барча совет кишилари номидан қатъий талаб қилди. Совет Иттифоқи, социалистик лагерь мамлакатлари, барча тинчликсевар халқлар империалистик босқинчиликка тоқат қилиб туролмайдилар.

Коммунистик партиянинг сиёсати Ватанимизнинг халқаро мавқеини янада мустаҳкамлашга, коммунистик қурилишга тинч шарт-шароитни таъминлаб беришга қаратилган сиёсатдир.

Партия ва ҳукуматнинг тинчликсевар ташқи сиёсати коммунистик қурилиш манфаатларига, яъни тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш ишига қатъий хизмат қилмоқда.

Бундан буён ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон социалистик системаси мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни, бутун дунё меҳнаткашларининг пролетар бирдамлигини мустаҳкамлай беради, мазлум халқларнинг озодлик, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун олиб бораётган муқаддас курашига ёрдам кўрсата бераади, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун кураша беради, агрессорларнинг кирдикорларини ҳушёрлик билан кузатиб туради ва мамлакат мудофаасини • лозим бўлган юксак даражада сақлаб туради, турли социал тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш принципини амалга ошира беради.

Сайловчи ўртоқлар!

Бундан буён ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг бутун кучини халқларнинг бахт-саодати ва социалистик Ватанимизнинг равнақи учун курашга, коммунизм учун курашга сарфлай беради.

Совет халқи ўз партиясига бениҳоя ишонади. Халқимизнинг бу ишончи революцион жангларда, тинч қурилишда, инсониятнинг энг ёвуз душмани бўлган фашизм билан олиб борилган қонли жангларда, совет халқининг коммунизм сари олға бораётган қудратли ҳаракатида тобланган. Совет халқи шуни яхши биладики, ҳеч қачон ва ҳеч бир ишда совет халқи Коммунистик партиядан панд еган эмас. Меҳнатда ҳам, жангда ҳам, бўронли, қор, ёмғирли кунларда ҳам, рўшнолик кунларида ҳам партия билан халқ қамиша бирдигидирлар.

Совет ҳокимиятининг олий органига сайловга тайёргарлик кунларида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ишчиларни, деҳқонларни, совет зиёлиларини, саноат, қишлоқ хўжалиги, давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларининг барча ходимларини, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларини, коммунистлар, комсомолларни, касаба союзларининг аъзоларини, совет хотин-қизларини, йигит ва қизларни, меҳнат ва уруш ветеранларини — барча сайловчиларни СССР Олий Советига сайлов кунида — 12 июнда коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларига овоз беришга чақиради.

Сизлар коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодларига овоз бериш билан КПСС XXIII съезднинг қарорларини амалга ошириш учун, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш учун, халқ фаровонлигини янада ошириш учун, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун овоз берган бўласиз.

Коммунистлар билан партиясизлар блоки номзодларининг СССР Олий Советига якдиллик билан сайланиши кўп миллатли Ватанимиздаги ҳамма халқларнинг бирлигини, улар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагида маҳкам жипслашганлигини кўрсатувчи янги ёрқин далил бўлажак.

Ҳамма сайловга!

Буюк Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи яшасин ва яшнасин!

Яшасин меҳнатсевар ва қаҳрамон совет халқи!

Яшасин Совет ҳокимияти!

Коммунистик партия раҳбарлигида марксизм-ленинизм байроғи остида коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

РЕСПУБЛИКАНИНГ ИЛҒОР ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қишлоқ Советларининг 1965 йилги социалистик мусобақалари якунларини кўриб чиқди.

Айниқса И. Назаров бошчилик қилаётган Фарғона область, Киров районидаги Яккатут қишлоқ Совети хўжалик ва маданий қурилишга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилди. Мазкур қишлоқ Совети территориясида жойлашган хўжаликлар 22-28 иш кунида пахта йиғимтеримини тугатишди. Шунингдек, улар гўшт, сут, жун, пилла, қуруқ мева, узум, тухум тайёрлаш планларини ҳам бажардилар. Қишлоқ Совети территориясида коммунал хўжалик ва ободончиликка катта эътибор берилди. Мактаб, мактабгача бўлган болалар ва медицина муассасалари ҳамда маданий-маиший корхоналар тармоғи кўпайди. Қишлоқ Совети қишлоқларида ўтган йили 170 та уй-жой, 3 та магазин, 2 та медицина пункти, мактаб, 50 ўринли касалхона, 2 та болалар боғчаси, 2 та ҳаммом, кинотеатр бинолари қурилди. Маиший комбинат ишга туширилди. 15 та артезиан қудуғи фойдаланишга топширилди. Ўтган йил мобайнида қишлоқ Совети территориясида 200 минг туп кўчат ўтказилди, 10 километр йўлга асфальт ётқизилди. Бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқ Совети депутатларининг ҳамда унинг атрофига уюшган активларнинг фаол иштироки билан амалга оширилди.

Хўжалик ва маданий қурилишга яхши раҳбарлик қилгани учун Яккатут қишлоқ Совети «Москвич» автомашинаси билан мукофотланди.

Экономика ва маданиятни ривожлантиришда қишлоқ Советларининг ижрокомлари яхши натижаларга эришдилар. Тошкент область, Янгийўл районидаги Ниёзбоши; Сурхондарё область, Денов районидаги Денов; Қашқадарё область, Шаҳрисабз районидаги Пахтаобод; Хоразм область, Хива районидаги Жўрьян; Андижон область, Янгиқўрғон районидаги Ленинобод; Бухоро область, Вобкент районидаги Денов; Самарқанд область, Нарпай районидаги Пахтакор; қишлоқ советлари; Сирдарё область, Пахтаорол районидаги Ильичев поселка Совети; Қорақалпоғистон АССР, Бируний районидаги Октябрь овул Совети мотоцикллар билан мукофотланди.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига юқорида кўрсатилган қишлоқ советлари ва Ильичев поселка Совети раисларига, ранс ўринбосарларига ва секретарларига бир ойлик маош миқдорида пул мукофотлари бериш ва илғор қишлоқ Советлари ишини кенг оммалаштириш таклиф қилинди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Хизмат бурчини намунали бажарганликлари ва жиноятчиликка қарши курашдаги хизматлари учун СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 3 майдаги Фармонларига мувофиқ, прокуратура ва жамоат тартибини сақлаш органларининг алоҳида ўрнак кўрсатган тергов ходимларидан 300 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

60 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 95 киши «Ҳурмат белгиси» ордени билан, 73 киши «Шавкатли меҳнат учун» медали билан ва 72 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан мукофотланди.

Фармонлар «СССР Олий Совети ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинади.

ЖУРНАЛИСТЛАР БАЙРАМИ

Бутун мамлакатимиздаги каби Ўзбекистонда ҳам газета ва журналларнинг сони йил сайин ошиб бормоқда. Ҳозирги вақтда республикамизда газета ва журналларнинг умумий тиражи ўтган миллион нусхадан ортиқдир. Матбуотнинг моддий техника базаси тўхтовсиз мустаҳкамланиб бормоқда, замонавий техника билан таъминланган янги босмахоналар ишга туширилмоқда.

5 майда Навоий номидаги опера ва балет академик театрида бўлган умумшаҳар тантанали йиғилиши Ленин «Правда»сининг биринчи сони босилиб чиққан кунининг шонли 54 йиллигига бағишланди. Журналистлар ва ишчи мухбирлар, нашриёт ва босмахоналарнинг ходимлари, шаҳардаги корхона ва муассасалар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Тошкент гарнизонининг жангчилари бу ерга келишди.

Президиум столи ёнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдураззоков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири М. М. Раҳмонқулов, министрлар ва республика ҳамда унинг пойтахтидаги бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари, республика газеталари ва журналларининг редакторлари ўтирибдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари В. А. Архангельский очди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросидан иборат составда фахрий президиум баланд рух билан сайланди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қ. Қориев матбуот куни ва КПСС XXIII съезднинг қарорлари асосида журналистларнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети матбуот бўйича давлат комитетининг раиси З. И. Есенбоев Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон газеталарини энг яхши безаш ва пухта нашр этиш юзасидан 1965 йилда ўтказилган республикаларо конкурснинг голибларига дипломлар топширди, (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТДА КРЕШЧАТИК ҚЎЧАСИ БЎЛАДИ

Юз минг квадрат метр ҳажмли уй-жойни Украина бинокорлари Ўзбекистон пойтахтига совға қилиб берадилар. Иш жойи билан танишмоқ учун 6 майда Тошкентга илғор группа келди. Украина ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. Н. Андрианов бу группага бошчилик қилмоқда.

Тез орада бинокорлик корхоналари ортилган ўнта поезд йўлга чиқади. Киевликлар, днепропетровскликлар, харьковликлар, одессаликлар ва Украинадаги бошқа шаҳарларнинг вакиллари уларга тегишли материалларни ортиб жўнатадилар. Бинокорлар ер қазиш машиналаридан тортиб, пардозлаш инструментига қадар, чодирлардан тортиб, кўчма ошхоналарга қадар, гиштдан тортиб, Украинанинг машҳур керамика блокларига қадар зарур нарсаларнинг ҳаммасини ўзлари билан олиб келадилар. Украина миллий орнаменти «Тошкент Крещчатиги» учун муносиб безак бўлади.

«Украина кварталлари» зилзилага ғоят чидамли бўлиш талаблари эътиборга олиниб, қардош республикалар архитекторларининг лойиҳаларига мувофиқ қурилади. (ЎзТАГ).

БУГУН РАДИО КУНИ

ХУШХАБАР ЖАРЧИСИ

Улуғ рус олими Александр Степанович Попов 1895 йили инсоният учун буюк иҳтиро — радиони яратиб берди. Буюк олимнинг она-Ватан фанини ривожлантиришдаги бу беқиёс иши совет халқи томонидан юксак қадрланди. Бундан 21 йил бурун, яъни 1945 йилнинг 2 майида Совет ҳукуматининг қарори билан мамлакатимизда 7 май — «Радио куни» деб эълон қилинди.

Совет радиосининг равнақ йўлини Владимир Ильич Ленин белгилаб берди. Гражданлар уруши давридаги қийинчиликларга, очлик ва қурғоқчиликка қарамай Совет ҳукумати ўз ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ радио соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларига жуда катта маблағ ажратди, олимларнинг бу соҳадаги ишларини ҳар томонлама рағбатлантирди.

Радио айниқса бизнинг давримизда кенг ривожланди. Эндиликда радиотехника, радиоэлектроника техника прогрессининг энг илғор соҳаларидан бирига айланди. Уларсиз халқ хўжалигининг ривожини, космосни забт этишни тасаввур этиб бўлмайди.

Ленин радиони «қоғозсиз ва масофасиз газета» деб баҳолаган эди. В. И. Ленининг радиоэшиттиришни оммавийлаштириш ҳақидаги орзулари бизнинг кунимизда тўла амалга ошди. Радио ва телевидение совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли воситаси сифатида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир мамлакатимизда 80 миллиондан ортиқ приёмник ва радио-трансляция точка ва 15 миллиондан ортиқ телевизор ишлаб турибди. Бизда 120 дан ортиқ телевизион марказ мавжуд. Радио ва унинг укаси — телевидение ҳозирги кунда кишиларимиз ҳаётига худди газета ва китобдек сингиб кетди.

Беш йилликда аҳолига 300 миллион радиоприёмник ва радиола ҳамда 27 миллион телевизор сотиш мўлжалланган, 1970 йилга бориб СССРда 40 миллион телевизор ишлайди.

1966 йил совет космовидениеси соҳасида янги ютуқлар билан белгиланади. «Луна-9» совет автоматик станциясидан туриб Ой юзасидан олиб кўрсатилган сеанслар миллионлаб телетомошабинлар хотирасида ҳали ҳам турган бўлса керак. Орадан икки ой ўтгач Ой яқинидаги орбитага «Луна-10» чиқарилди. Фазовий бўшлиқлардан партия гимни — «Интернационал»нинг жўшқин садолари янграб эшитилди. Уни «Луна-10» станциясидаги радиотелевизион аппарат эшиттирган эди.

Бу йил Узбекистон радиоси 40 ёшга, республика «зангори экрани» эса 10 ёшга тўлади. Республика радио ва телевидение эшиттиришлари йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу йил ўзбекистонлик телетомошабинлар мамлакатимиз пойтахти — Москвадан олиб борилаётган эшиттиришларни кўришга муваффақ бўлдилар. Яқин кунларда Москва марказий телевидениесининг эшиттиришлари алоҳида канал билан берила бошланади. Яна ўқув-таълим ишларини амалга оширадиган учинчи программа ҳам ишга тушади. Республика радио ва телевидениесининг моддий-техника базаси мустаҳкамланади. Тошкентда қурилаётган радио уйи ва кино комплекси фойдаланишга топширилади.

КПСС XXIII съездига тайёргарлик кўриш, съезд ишини ёритиш ва у қабул қилган тарихий қарорларни пропаганда қилиш — республика радио эшиттириши ва телевидениеси имкониятларига жанговар синов бўлди. Беш йиллик план бўйича КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси матбуотда эълон қилинганидан кейиноқ ўзбек радио ва телевидениеси бу соҳада кенг тушунтирув ва муҳокама ишларини бошлаб юборди. Областлар бўйича радио ва телевизион фестивалар ўтказилди, уларда Ўзбекистон меҳнаткашлари съездни қандай совғалар билан кутиб олаётганликлари тўғрисида ҳикоя қилинди. «Съезд делегатлари ҳақида ҳикоялар» рубрикаси остида республикамизнинг бир қанча ажойиб коммунистларига бағишланган материаллар берилди. 29 март куни бутун мамлакатимиз бўйлаб: «Москвадан гапирамиз ва кўрсатамиз! Кремль Съездлар саройидан!» деган тантанали сўзлар янгради, Миллионлаб ўзбекистонлик радиоэшитувчилар ва телетомошабинлар партиямиз XXIII съезднинг очилишини эшитдилар ва кўрдилар.

Ҳозир Узбекистон ССР олдида турган беш йиллик вазифалари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боришга алоҳида аҳамият берилмиз. «Узбекистон беш йиллик да» рубрикаси остида эълон қилинаётган материаллар саноат ва қишлоқ хўжалигимизнинг келажакдаги ривожи масаласига бағишланган. Радио ва телевидениемиз пахтачиликни кўтаришга эътиборни кучайтиргани ҳолда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам узлуксиз ёритиб бормоқда. «Илғор тажриба мактаби» эшиттиришлари қишлоқ меҳнаткашлари орасида катта обрў қозонгани ҳам бежиз эмас.

Марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилиш идеология ишимизнинг асосини ташкил этади. КПСС тарихи, марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асосларини ўрганишга бағишланган радио ва телевизион университетлар кишиларимизнинг қурматини қозонди. Бу университетларда энг яхши илмий ва пропагандист кучлар иш олиб бормоқда.

Мамлакатимиз янги беш йиллик вазифаларини амалга оширишга киришди. 1967 йилда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба козонганига 50 йил, 1970 йилда эса, яъни беш йиллиннинг охирги йилида партиямиз ва Совет давлатимизнинг гениал доҳийси ва асосчиси Владимир Ильич Ленининг туғилганига 100 йил тўлади. Радио ва телевидение ходимлари бу юбилей кунларига тайёргарлик ишларини қизғин олиб бормоқдалар. Бу тарихий кунларга бағишланган «Октябрь» радиостанцияси ва телестудияси ҳозир ишга тушди, шу кунларда телефильмлар суратга олинянти.

Радио ва телевидение совет кишиларини интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш ишида кун сайин актив иштирок этмоқда.

Узбекистонда қардош республикаларнинг радио ва телевидение кунларини ўтказиш ва бошқа республикаларда Узбекистон радио ва телевидение кунини ўтказиш кейинги йилларда яхши анъанага айланиб қолди. Худди шундай тадбир Москвада ҳам ўтказилди. Бу йил Узбекистон радиоси ва телевидениеси куни Болгария ва Польшада ҳам ўтказилади.

Зилзила оқибатида тошкентликлар бошига кулфат тушган оғир пайтларда республика радио ва телевидениеси оперативэ эшиттиришлар уюштириб, уларда табиий офатдан зарар кўрган кишиларга берилаётган ёрдам ҳақида, тошкентликларнинг юксак ватанпарварлиги ва жасорати ҳақида ҳикоя қилинди. Эшиттиришларда, айниқса, қардош республикалардан Тошкентга берилаётган ёрдам масаласига, СССР халқларининг бузилмас оиласи масаласига алоҳида эътибор берилди.

«Ёшлик» радиостанцияси ва телестудиясининг эшиттиришлари томошабинларни борган сари ўзига жалб этмоқда. Бу эшиттиришларда асосан ёшларимизнинг ҳаёти ва меҳнатига оид масалалар, ахлоқ ва одобга бағишланган, йигит-қизларимизни халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашга бағишланган масалалар ёритиладн. Бу эшиттиришларда ёш шоир ва ёзувчиларнинг, композиторларнинг янги асарлари ҳам эълон қилинади.

Чет элларга бериладиган эшиттиришлар ҳам ўзбек радиоси фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этади.

Шуни қайд қилиш керакки, буржуазия пропагандаси кишилар онгини заҳарлашга, уларнинг тинчлик учун олиб бораётган курашларини сусайтиришга, совет халқи ва тузуми ҳақида бўлмагур бўҳтонларни тарқатишга харакат қиляпти. Шу сабабли ўзбек радиосининг чет элларга бераётган эшиттиришларида империализмнинг тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни емиришга қаратган найрангларини фош қилиш масаласига алоҳида эътибор берилляпти.

Республика радио ва телевизион эшиттиришларида ишчилар, колхозчилар, инженер ва техниклар, агрономлар, фан, адабиёт ва санъат арбоблари, давлат, партия ва жамоат вакиллари актив иштирок этмоқдалар. Кенг жамоатчиликнинг радио ва телевиденеда қатнашиши эшиттиришларнинг сифати ва салмоғини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Жамоатчилик асосида тузилган редакцион советлар ва редакцион коллегиялар эшиттиришлар планини муҳокама қилади, келгусида амалга ошириладиган ишларни белгилайди. Саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда жуда кўп ишчи-мухбирлар постлари тузилган. Бир неча йилдан бери халқ радиотеатри намунали ишлаб келмоқда.

Республика радиоси ва телевидениеси миллионлаб радиоэшитувчилар ва телетомошабинлар билан ўз алоқасини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Белгиланган вақтда турли шаҳар ва қишлоқларда радио эшитувчилар ва телетомошабинлар иштирокида конференциялар ўтказилиб турилади. Утган йили Комитет номига 70 мингдан ортиқ меҳнаткашдан хат келди. Уларда кишиларимиз эшиттиришлар ҳақидаги ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари билан бирга, уларни янада яхшилаш йўллари ҳақида ҳам таклифлар киритдилар, қизиқ-қизиқ темаларни тавсия қилдилар.

Коммунистик партия радио ва телевидение ходимларининг меҳнатини юксак қадирламоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIII съездига қилган ҳисобот докладида бундай дейилган: «Партиянинг пропагандистлар, агитаторлар, журналистлар, телевидение, кино, радио, театр ходимларидан иборат ажойиб кадрлари бор. Ҳақиқатан ҳам бу — партиянинг олтин фондидир, буни авайлаб сақламоқ, меҳр билан ўстирмоқ ва ундан тўғри фойдаланмоқ керак».

Республикамиз радио ва телевидениеси ходимлари ҳам партиянинг бу юксак ишончини сўзсиз оқлайдилар. XXIII съезд қарорларини амалга ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

У. ИБРОҲИМОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитетининг раиси.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг мажлислар залига қўйилган столларда Африкадаги турли давлатларнинг номлари ёзилган тахтачаларни кўрасиз. Бу ерда Африка мамлакатларида саводсизликни тугатиш программаларини планлаштириш ва уюштириш юзасидан ЮНЕСКО халқаро семинари очилди.

Замбия, Камерун, Либерия, Маврикий оролларн, Мавритания, Мали, Нигер, Руанда, Сенегал, Сомали, Судан, Сьера-Леоне, Танзания, Чад Республикасининг вакиллари халқ маорифи соҳасида Ўзбекистоннинг ва бошқа совет республикаларининг тажрибасини ўрганиш ҳамда ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан фикрлашиб олиш учун Тошкентга келишди. Семинарнинг ишида кўпгина иттифоқдош республикаларнинг маориф соҳасида ишловчи таниқли мутахассислари, ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР комиссиясининг вакиллари, ана шу халқаро ташкилотнинг чет элдаги маслаҳатчилари қатнашадилар.

Республика маориф министри А. М. Кўчқоров семинарни очди.

Республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов Ўзбекистон ҳукумати номидан Африка қитъасининг вакилларини, шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг ҳаммасини қизғин табриклади.

ЮНЕСКО вакили Жон Бауэрс семинарнинг фахрли ва масъул вазифалари тўғрисида гапирди. У тошкентликларнинг меҳмондўстлигига юксак баҳо берди. Тошкентликлар, деди у, шаҳар бошига тушган табиий кулфатга қарамай, Африка мамлакатлари вакилларининг саводсизликни тугатиш соҳасида Ўзбекистоннинг қимматли тажрибасини ўрганишларига ёрдам бериш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўрдилар.

ЮНЕСКО ишлари бўйича СССР комиссиясининг аъзоси, РСФСР маориф министрининг биринчи ўринбосари профессор Н. В. Александров Ўзбекистоннинг меҳмондўст диёрида семинар қатнашчиларининг самарали ишлашларини тилади.

Сенегал вакили Лоран Диатта ва Маврикий оролининг вакили Жан Мари Фрэнк Ричард шодиёна кутиб олганликлари учун совет дўстларига семинар қатнашчилари номидан самимий ташаккур изҳор қилди. Африка халқларининг вакиллари зилзила муносабати билан Ўзбекистон пойтахти аҳолисига чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Халқаро семинар икки ҳафта давом этади. Семинар қатнашчилари бир қанча докладларни тинглайдилар ва муҳокама қиладилар, республика бўйлаб саёҳат қиладилар.

(ЎзТАГ).

ПОЙТАХТИМИЗНИ ТЕЗ, СОЗ ВА ГЎЗАЛ ҚИЛИБ ҚУРАЙЛИК

ТОШКЕНТГА УМУМХАЛҚ МЕҲРИ

Ҳаммамизнинг ҳам қадрдон дўст, ўртоқларимиз, ёру биродарларимиз, юракка яқин азиз, меҳрибонларимиз бор. Яхши кунларда ҳам, ташвишли кунларда ҳам улар биз билан шерик, ҳамдард. Бу ҳақиқат яқинда Тошкентда юз берган зилзила натижасида яна бир бор исботланди.

Шу кунларда сиз қадрдон ҳамшаҳарлар, узоқ-яқиндаги қариндошларингиздан, дўст-биродарларингиздан сиҳат-саломатлигингиз, хотиржамлигингиз қандайлиги ҳақида хат-хабарлар олмоқдасиз. Кўнгил сўраб, руҳингизни кўтариб ёзилган ана шу хат-хабарларни олиб, телеграмма, телефон ёки хат орқали жавоб бермоқдасиз. Шу хабарларни ўз вақтида етказишда, миннатдорчилигингизни қалбингизга яқин кишиларга тезда билдиришга яна бир дўстларингиз — алоқа ходимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шу кунларда алоқа ходимлари ғайрат билан меҳнат қилаётганликларини шундан ҳам кўрсак бўладики, зилзила юз бергандан 20 минут ўтгандан кейиноқ алоқачилар шаҳарлараро телефон алоқасини тикладилар.

Вокзалдаги почтани ташиш бўлимининг ходимлари ишхонанинг биноси анча шикастланганига қарамай, почтани ўз вақтида эгаларига етказиб бериш учун ҳар қачонгидан ҳам зўр ғайрат билан ишламоқдалар.

Ер қимирлаши натижасида шаҳардаги айрим телефон кабеллари ва автоматик телефон станцияларининг ускуналари бузилиб, шаҳар телефон шохобчаларининг бир қисмини ишдан тўхтатиб қўйди. Тошкент шаҳар телефон шохобчаси ходимлари шу кунга қадар телефон шохобчаларининг анчасини қайта тикладилар. Шуни ҳам айтиш керакки, зилзиладан катта зарар кўрган баъзи бўлимлар маълум вақтгача ишлай олмайди. Шу кунларда телеграф алоқаси ходимлари ишининг ҳажми илгаригига қараганда 5 баравар кўпайди.

Ҳозир вақтинча бошқа жойларда яшаб турган тошкентликларга қулайлик туғдириш мақсадида шаҳар телефон алоқаси ходимлари палаталарда яшаётган ва бошқа жойларда яшаётган оилалар учун телефон автоматлар ўрнатмоқдалар, «Союзпечать» ўша жойларда газета-журналлар сотишни ташкил этди.

Тошкентдаги бошқа алоқа ходимлари ҳам шу кунларда шундай зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, Тошкент аҳолисига алоқа хизматини янада яхшилаш учун, сиз, азиз ҳамшаҳарларнинг ҳам алоқа ходимларига ва биринчи навбатда почтальонларга катта ёрдамингиз керак.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги Тошкентдаги муассасалар, корхона ва ташкилотлардан ва ҳар бир аҳолидан, биринчи навбатда зилзила натижасида бошқа жойларга кўчиб ўтган аҳолидан янги адресларингизни аниқлаб, ўз яқинларингизни бундан хабардор қилиб қўйишингизни илтимос қилади. «Тошкент» сўзидан кейин сиз яшаётган районга почтани етказиб берувчи алоқа бўлимининг номери ёзилиши керак. Шундан кейин кўчанинг номи, уйнинг, квартиранинг номери, фамилиянгиз ёки ишхонанинг номи кўрсатилади.

Адресингизни аниқлаб, уни тегишли кишиларингизга билдириб бўлгач, ўзингиз ёзилган газета ва журналларни тегишли алоқа бўлимига хабар қилишингизни ҳамда уй бошқармаларингиздан ҳар бир уйда, ҳар бир палата шаҳарчаларида, палаткаларда, кўчалар, уйлар ва квартираларнинг номерлари кўрсатилган ёзувлар осиб қўйилишини талаб қилишингизни эслатиб қўймоқчимиз. Юқорида айтилганларга риоя қилсангиз, алоқа ходимларининг ишлари ҳам енгиллашади. Бугун, дўстларингиз алоқа ходимларининг байрами кунида айтган раҳматингиз уларнинг ғайратига ғайрат қўшади.

В. ИУЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР алоқа министри.

АЛОҚАЧИЛАР ҒАЙРАТИ

САМАРҚАНДЛИКЛАР ҲИММАТИ

САМАРҚАНД, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Тошкентда бўлган зилзила оқибатларини тезроқ тугатишга қаратилган Мурожаати ҳамда Чирчиқ шаҳар меҳнаткашларининг ватанпарварлик ташаббуси қадимий ва навқирон Самарқанд аҳолиси томонидан қизғин маъқуллаб кутиб олинди. Самарқанддаги «Красний двигатель», суперфосфат заводи ва «26 Боку комиссари» шойи тўқиш фабрикаси коллективлари «бир кунлик иш ҳақимизни табиий офат — зилзиланинг оқибатларини тугатишга ажратамиз» деган ташаббус билан чиқдилар.

— Тошкентда бўлган зилзила оқибатларини тугатиш, деди суперфосфат заводи коллективининг умумий йиғилишида сўзга чиққан аппаратчи А. Воҳидов, — бизнинг ҳам муҳим бурчимиздир. Бошпанасиз қолган тошкентликларга уйлар, мактаб ва богча-ясли бинолари инъом қилаётган Чирчиқ шаҳар меҳнаткашларининг ажойиб ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаш билан биз ҳам тошкентликлар учун чуқур ҳамдардлигимизни изҳор этамиз. Мен бир группа ишчилар номидан бир кунлик иш ҳақини зилзила оқибатларини тугатиш фондига ажратишни таклиф қиламан.

Шундан кейин сув билан таъминлаш цех бошлиғи Д. М. Боринкин, лаборатория мудири А. И. Прокоева, завод директори, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Қ. Камолов ўртоқлар сўзга чиқиб, бу таклифни яқдиллик билан маъқулладилар.

Янги беш йилликнинг биринчи йили тўрт ойлик ишлаб чиқариш планини муддатидан олти кун илгари бажарган ва қўшимча бир неча минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга эришган химиклар ҳам ўзларининг бир кунлик иш ҳақини зилзила оқибатларини тугатиш фондига ажратиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«26 Боку комиссари» шойи тўқиш фабрикаси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг 4 майдаги йиғилиши ҳам умумий коллективнинг бир кунлик иш ҳақи — 7000 сўм ажратишга қарор қабул қилиб, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг номига телеграмма йўллади.

Л. ЭРГАШЕВ.

РАҲМАТ СИЗГА, ҚУРУВЧИ ҚАРДОШЛАР!

Кулиб турган бу йигитлар — А. Лукин, Н. Афонин, Н. Баришев, В. Бицин, Ю. Желябовский, В. Лисенко, А. Ерин ўртоқлар янги Тошкентни қуриш учун Саратов шаҳридан келишган.

И. Глауберзон фотоси.

МУХБИРИМИЗ БИЛАН СУҲБАТ

ТОШКЕНТЛИКЛАР, БИЗГА КЕЛИНГ!

— Бошқа шаҳарга бориб яшаш истагини билдираётган кишилар сони кун сайин ортиб бормоқда, — деди мухбиримиз билан суҳбатда Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг раиси, зилзиладан зарар кўрган кишиларни бошқа шаҳарга кўчиш юзасидан республика комиссиясининг бошлиғи Миргиёс Аббосович Зоидов. Аҳолини бошқа шаҳарларга кўчирувчи шаҳар комиссияси Тошкент шаҳар ижроия комитетининг биносида, биринчи қават, 4- хонага жойлашган. Бу ерда шу кунларда одам гавжум. Бу ерда соат эрта билан 9 дан 13 гача ва 16 дан 19 гача кишилар қабул қилинади. Истаганлар В31946 номерли телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Республиканинг 16 шаҳри ва тўрт райони зилзиладан зарар кўрган кишиларга ўзининг меҳмондўстлик қучоғини кенг очди. Улар орасида Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қарши, Фарғона, Қўқон, Оҳангарон, Ангрен, Чирчиқ, Янгийўл, Юқори Чирчиқ каби шаҳар ва районлар бор. Тошкентдан кўчиб борувчилар учун ҳозирдаёқ 1.650 квартира тахт қилиб қўйилди.

Бугунги кунга қадар 300 га яқин оила бошқа шаҳарларга бориб яшаш истагини билдирди. 274 оила, 1038 киши жўнаб кетишга ҳозирлик кўраётир. 43 оила Самарқандга, 80 оила Чирчиққа, 83 оила Фарғонага, 20 оила Қўқонга, 12 оила Янгийўл ва Навоийга кўчиб боради.

Кўчиш билан боғлиқ бўлган транспорт ва бошқа харажатлар тошкентликларни қабул қилиб олаётган областлар ҳисобидан бўлади. Буюмларни олиб кетиш учун жойлардан машиналар келди. Аёллар ва болалар учун автобуслар ажратилди. Барча кўчиб борувчилар яхши кутиб олинади ҳамда улар яхши жиҳозланган квартиралар билан таъминланадилар. Аҳоли кўчиб бориши мўлжалланилган шаҳарларда янги келганларни ўз касбига мувофиқ ишларга жойлаштириш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Бугун Тошкентдан кўчаётганларнинг биринчи группаси жўнаб кетади. 25 машина Самарқанд, 15 машина Чирчиққа йўл олади. Кўчиб кетаётганлар орасида сваркачи Любовь Кузьминична ҳамда экскаватор заводининг ишчиси Фёдор Кириллович Горбуновлар бор. Улар илгари Тошкентдаги Қорамурт кўчасида яшардилар. Улар билан бирга Самарқандга тажриба механика заводининг инженер-конструктори Ахмат Тухфатуллин ҳам кетаётир.

— Оқ йўл сизларга — дейишмоқда уларга тошкентликлар.

— Хуш келибсиз! — деб қарши олмоқда уларни самарқандликлар.

ЁРДАМ ОЛИШМОҚДА

Зилзила натижасида бошпанасиз қолган кишиларга иқтисодий ва маънавий ёрдам беришда партия ва совет органлари, министрлик ва ташкилотлар, бутун жамоатчилик фаол қатнашмоқда.

Тошкентликлар сабр-матонат ва ҳамжиҳатлик билан ўз ҳамшаҳарларининг бошларига тушган кулфатни бартараф қилишда актив қатнашиб, жонбозлик кўрсатмоқдалар. Қўпгина хонадонлар уйи шикаст кўрган қариндошлари, ошна-оғайнилари ва таниш-билишларини ширин сўз билан қарши олиб, бошпана бермоқдалар.

Шу жумладан, Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги, унинг шаҳар ва район социал таъминот бўлимлари ҳам зилзила оқибатларини тугатишга ҳисса қўшмоқда. Пенсионерларга, Улуғ Ватан уруши инвалидларига, ёлғиз оналарга яқиндан ёрдам уюштирилмоқда.

27 апрелдаёқ зилзила натижасида зарар кўрган пенсионер ва инвалидларнинг хонадонларида бўлиб, тадбирлар белгиладик. Шу кунга қадар уларга 600 сўмдан ортиқ пул ёрдами берилди. 70 га яқин кишига уй-жой беришда, қариндош-уруғларининга жойлаштиришда кўмаклашилди.

Бу борадаги иш қунт ва эътибор билан давом эттирилмоқда.

В. СОДИҚОВА.
Ўзбекистон ССР социал таъминот министри

АМУР СОҲИЛЛАРИДАН—ТОШКЕНТГА

ХАБАРОВСК. (ТАСС мухбири). Уссури тайгасида жойлашган Мухен ёғоч комбинати ва Бикин ёғоч заводининг шох йўлларидан тахта ортилган вагонлар узоқ сафарга чиқди. Бу тахта зилзиладан шикаст кўрган Тошкент аҳолисига юборилди.

Хабаровск ўлкаси — Узоқ Шарқдаги ёғочсозлик саноатининг йирик марказ. Ўлка марказининг иморатсозлари, Ўзбекистонга йиғма уйларнинг бир туркумини жўнатишди. Тунгус комбинатининг ходимлари Тошкентга паркет юбориш юзасидан иккинчи ва учинчи кварталлар учун белгиланган топшириқни бир неча кун ичида бажариб беришди.

ДЎСТЛИК КВАРТАЛЛАРИ

Чилонзорнинг ўн иккинчи кварталида танланган жойда мамлакатнинг бошқа шаҳарлари бинокорлари тошкентликларга тортиқ қиладиган уй-жой бинолари массиви қад кўтаради.

Бу ерни 4 май куни Краснодар ва Фарғона бинокорлари биринчи бўлиб келиб кўришди. ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон пойтахтининг меҳмонларидан ўз режаларини гапириб беришни илтимос қилди.

— Биз бу ерга узоқ ўйлаб турмай, щошилинч суратда етиб келдик, — дейишди Краснодар қурилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Георгий Филатович Костелов билан 11-трестнинг бош инженери Амаяк Николаевич Сагиев. — Кеча кундузи КПСС Краснодар ўлка комитетида суҳбат бўлди, кечқурун эса, биз самолётга ўтириб, Тошкентга йўл олдик, Тошкентликлар зилзила оқибатларини мардлик ва уюшқоқлик билан бартараф этаётганликларини кўриб ғоят қувондик. Бу ишга ўз иссаларини қўшишни кубанликлар ўзларининг шон-шараф ишлари деб биладилар.

Биз қадрдон Ўзбекистон пойтахтига 60 квартирали уйни совға қилмоқчимиз. Бу — турар-жой хоналари қулай қилиб жойлаштирилган беш қаватли бино бўлади. Биз серқуёш шаҳарга жуда мос бўлиб тушадиган лойиҳани танлаб олдик десак бўлади. Квартираларнинг пешайвонлари бўлади, ундаги ҳавонинг соф бўлиши таъмин этилади, полига паркет ётқизилади. Қора денгиз соҳилида, Сочида ҳозир худди ана шундай уйлар қурилмоқда.

Вақтни бой беришни истамаганимиз учун биз тошкентлик ўртоқлар билан биргаликда график тузиб чиқдик. Шу графикка албатта риоя қилинади.

Тез орада бу ерга бизнинг мутахассисларимиз келиб, лойиҳани бино қуриладиган майдонга мослаштириб беришади. Айни вақтда Краснодардан пойдеворнинг блоклари жўнатилади. Унинг кетидан башняли кран етиб келади. Шу орада Краснодар уйсозлик комбинати Тошкент учун мўлжалланган сейсмик нормаларга мос келадиган йиғма панеллар ишлаб чиқаришга киришади.

Монтаж ишларини уч смена бўлиб бажарамиз. Сувоқ-бўёқ, санитария-техника ускуналарини, электр арматураларни ўрнатиш ишлари ҳам шу йўсинда амалга оширилади.

Биз зарур нарсаларнинг ҳаммасини — асбоб-ускуна, материаллардан тортиб энг оддий деталларгача Тошкентга келтирмоқчимиз. Албатта, тошкентлик ўртоқларнинг ҳам ёрдам беришлари керак бўлади — улар бизни бетон, қоришма, транспорт, бир қанча машиналар билан таъминлашга ваъда қилишди. Ўйлаймизки, бу иш Ўзбекистон билан Кубань бинокорларининг қамдўстлигига асос солади. Биз бу ерда юксак техникавий даражада қурилган бир қанча йирик биноларни, катта-катта уй-жой бинолари массивларини кўрдик. Демак, бу ерда биз ўрганадиган нарсалар бор. Ўзимизнинг тажрибамизни ҳам ўртоқлашишга ҳаракат қиламиз.

Қурилишда краснодарлик монтажчилар, сувоқчи-пардозчилар, слесарлардан етмиш киши меҳнат қилади. Биз уларнинг номидан, уйсозлик комбинати коллективи номидан ваъда бериб айтамизки, тошкентликлар сентябрга қадар краснодарликлар қуриб берган уйга кўчиб кирадилар.

— Фарғоналиклар краснодарликларга қўшни бўлишади, — дедик 8-қурилиш трестининг директори Андрей Степанович Алтухов. У бизни қурилишнинг «штатдаги» биринчи қатнашчиси — трест бош инженерининг ўринбосари Айтуган Габасович Юсупов билан таништирди. Тошкентдаги қурилиш участкасига раҳбарлик қилиш унинг зиммасига топширилибди.

Умумий турар-жой саҳни 2665 квадрат метр бўлган иккита 44 квартирали уйнинг деталлари вагонларга ортилиб, ташиб келтирилади. Бунинг учун каркас узеллари, панель, перекритиеларни ташишга мослаштирилган 12 та платформадан иборат махсус состав ва зинапоя майдончалари, балконлар, карнизларни ташишга қулай бўлган 2 та очиқ вагон Фарғона трестида тахт қилиб қўйилди. Бу состав уч марта қатнаса, мазкур уйларни қуриш учун нималарни керак бўлса, ҳаммасини олиб беради.

— Биз ҳам ишни майдонча танлаш билан боғлиқ бўлган ишларни аниқлашдан бошлашимиз даркор бўлади, — дейди ўртоқ Юсупов. — Сўнгра дарҳол пойдевор тайёрлашга киришилади. Башнялик кранни етказиб келтиришимиз биланоқ, монтаж ишларини бошлаб юборамиз. Деталларни ортишдан тортиб, уларни йиғиш, сувоқ-пардозлаш, электр ускуналарни ўрнатишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси албатта уч сменада олиб борилади. Башарти биз қурадиган иккала уйни ёнма-ён, бақамти қилиб қуришнинг иложи топилса (биз Фарғонадаги уйларни шу усулда қуряпмиз), сўраст жадаллашиб кетади. 80 ишчи икки уйни уч ой деганда қуриб битказади.

— Мен бу гапларга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бизнинг бинокорларимиз Фарғонада қуриб қўйган уйлар тошкентликларга мунтазир бўлиб турибди, — деди ўртоқ Алтухов. — Ҳозир мусобақанинг ана шу самараларини кўриш айниқса қувончлидир. Трест партия съездига тайёргарлик кўрар экан, уй-жой бинолари қуриш юзасидан биринчи кварталга белгиланган планни 137 процент бажарди. Май олди вахтасида ҳам ишлар яхши борди. Биз ҳудди ана шу қўшимча равишда қурилган уйларни даҳол дўстларимизга инъом қила олдик.

Бундан буён ҳам топширидан илдамроқ меҳнат қилишга ҳаракат қилаверамиз. Биз Тошкент ва Фарғонада пойтахт аҳолиси учун қурилган уйларнинг ҳаммаси плондан ташқари битказилишига интилаверамиз. Бизнинг резервларимиз бор, мақсадимиз ҳар бир бинокорга аён. Бунинг маъноси шуки, шинам уй-жойлар тез орада қуриб битказилади.

...Зилзила оқибатларини тугатаётган Тошкентга ёрдам бериш учун Киев, Душанба, Минскдан ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан бинокорлар йўлга чиққанлиги ҳақидаги хабарлар келиб турибди. Дўстларнинг қўли билан дўстлик кварталлари қад кўтаради.

Хатларингизга жавоб берамиз

НУҚСОНЛАР ТУГАТИЛДИ

Оржоникидзе номли 25-саккиз йиллик мактабда таълим-тарбия ишлари сусайтириб юборилди. Ўқувчиларга белгиланган программа бўйича тўла билим берилмаяпти. Айрим ўқитувчилар жамоатчилик орасида бўлмайди, ота-оналар билан суҳбатлар ўтказишдан четда туради. Мактаб директори А. Мирзаолимов, илмий бўлим мудири И. Мамажонов ўртоқлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолияти устидан назоратни кучайтирмаётирлар. Бу, мактаб бўйича давомат ва ўзлаштиришга салбий таъсир кўрсатаётир.

Редакцияга келган хатларнинг бирида ана шулар айтилган эди. Хат Избоскан район халқ маорифи бўлимига юборилиб, унда келтирилган фактларни текшириб кўриш, нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгилаш илтимос қилинди. Олинган жавоб хатида бундай дейилади:

Текшириш ишида хатда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Юқоридаги нуқсонларга йўл қўйгани учун мактаб директори А. Мирзаолимов ва илмий бўлим мудири И. Мамажонов ўртоқларга виговор эълон қилинди. Мактабда ўқув-тарбия ишлари, давомат ва ўзлаштиришни яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Б О Ғ — ЎЛКАМИЗ ЧИРОЙИ

Қиш бўйи мудроқ уйқуда ётган гўзал табиат уйғонди. Унинг мухлиси бўлсангиз, атрофга яхшироқ разм солинг, ажиб манзарани кўрасиз. Гўё борлиқ олам яшил либос кийгандай. Дов-дарахтлар кўм-кўк яproқ ёзди, шиғил-шиғил меваларидан маржон тақди. Бепоён диёримиз гулистонга айланиб боряпти. Қайси томонга қараманг кўз ўнгингизда боғ-роғлар намоён бўлади.

Мана шу боғ-роғларга боқиб, сира тўймайман. Беихтиёр ўйлаб қоламан, фикр юритаман, гўзал диёримиз бундан ҳам чиройли, бундан ҳам кўркам бўлса деб орзу қиламан. Ҳамма қишлоқлар бизнинг қишлоғимиздек ҳуснкор бўлса, дейман. Ҳа, фахрланишга арзигулик қишлоғимиз бор. Уни бир бутун боғ деса бўлади. Чунки, бу ерда яшовчи ҳар бир киши мичуринчи соҳибкор. Ота-боболаримиз шу касбга меҳр қўйишган экан. Бу анъана бизга мерос бўлиб қолди. Қишлоғимиздаги ҳар бир хонадоннинг ўз боғи бор. Каттаю кичикда боғдорчилик ҳаваси зўр. Даладан келибоқ, дов-дарахтлар атрофида парвона бўлади, суғоради, парвариш қилади.

Ёз ойларида колхозчилар кундузги меҳнатдан кейин боғларда ҳузур қилиб ҳордиқ чиқаришади. Бу боғлар уларнинг энг севимли жойига айланган. Боғбонларнинг иши бир-икки йилдаёқ кўзга кўринмайди. Бунинг учун йиллар керак. Бизнинг колхозимизда ўша йиллар аллақачон босиб ўтилган. Ҳозир хўжалигимизнинг 100 гектарга яқин боғи, унда 20 хил узум, бир неча хил янги нав олма, гилос, беҳи, анжир бор.

Бултур боғбонлар шарбати томиб турган узумдан 163 тоннасини давлатга топширдилар. 25 тоннадан ортиқроқ узум колхозчиларга бўлиб берилди. Бундан ташқари, тонна-тонна олма, анор аҳолига сотилди. 1965 йилда боғдорчиликнинг ўзидан колхоз кассасига 97 минг 700 сўм даромад кирди.

Қишлоғимизни бу қадар сўлим, соя-салқин қилганлар, боғлардан тонналаб ҳосил олаётганлар кимлар? Кўркамлик яратувчи, боғ-роғлар ошиғи бўлган соҳибкорлар! Колхозимиздаги икки участкада иккита боғдорчилик бригадаси бор. Бу бригадаларга нуқул кекса соҳибкорлар уюшган. Мен ана шулардан бириман. 72 баҳорни кўрдим. Суягим боғдорчиликда қотган. Бошқалар ҳам шунақа. Тешавой Дадабоев 76 ёшга кирди. Уни ҳар куни боғдан топиш мумкин. Энг кичигимиз Зуҳриддин Мамарасулов 56 ёшга тўлди.

Шу кунларда боғларда иш қизғин. Ток, дарахтлар парвариш қилиняпти. Эрта баҳорда токларни, анор ва анжирларни очиб қатор ораларини ва қатор оралардаги туп ораларини юмшатиб қўйган эдик. Шоҳ-шаббаларнинг қурғаси, синганларини кесиб ташлаганмиз. Ҳозир токларни сўриларга чиқариб бўлдик. Улар гул кўрсатиб қолаёзди. Гуллар гўрага айланганда биринчи озиқлантиришни бошлаб юборамиз. Олтингугурт ва кул аралашмаси билан чанглаймиз.

Олма, анор, анжир ва бошқа мевали дарахтларни ҳам ана шу тартибда меҳр билан парвариш қиляпмиз. Катта ният ва ҳиммат билан янги марралар сари бормоқдамиз. Шунинг учун ҳам хўжалигимизнинг ҳамма соҳасида хирмонимиз баракали бўлмоқда. КПСС XXIII съездининг тарихий қарорлари янги куч бағишлаган деҳқонларимиз. чорвадорларимиз ва боғбонларимиз ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар. Демак, пахта, пилла, гўшт, тухум, мевачева мўл бўлади.

Хўш, бизда-ку, аҳвол яхши. Бошқа хўжаликларда қанақа? Кўпинча ўз-ўзимга шундай савол бераман. Қишлоғимизга меҳмонлар жуда кўп келишади. Область, район миқёсидаги йиғинларнинг аксарияти колхозимиз клубида ўтади. Бунинг сабаби, менимча, қишлоғимизнинг ғоят файзли, кўркамлиги бўлса керак. Бундан фахрланамиз. Қишлоғимизга бутун область аҳолисининг ҳаваси келади.

Лекин, афсуски, бошқа қишлоқларда боғ-роғлар яратишга унча эътибор берилмаяпти.

Яхши ният билан боғ қилаётган, аммо унга яхши қарамаётган хўжаликлар ҳам кўп. Кўчатни экиб қўйиш билангина иш битмайди. Уни ота-она ўз фарзандини ардоқлагандай меҳр билан авайлаб парвариш қилиш керак.

Боғ — ўлкамизнинг чиройи, ҳуснидир. Келинг, шундай экан, боғ-роғлар яратайлик. Бу соҳага меҳр қўйайлик, ўлкамизни тагин ҳам яшнатиш учун юриш бошлайлик. Ҳамма шаҳар ва қишлоқларимизда мевали боғлар бўлсин.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Андижон районидаги Калинин номли колхознинг боғбони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

АЖОЙИБ ТАШАББУС

«Чирчиксельмаш» заводининг коллективи яхши ташаббус кўрсатди. Машинасозлар зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолиси фойдасига икки соат ишлаб беришга қарор қилдилар. Чирчиқдаги бошқа корхона ва муассасалар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Бекобод, Олмалиқ, Ангрен, Янгийўлдаги бир қанча корхоналарнинг коллективлари ҳам чирчиқликлардан намуна олиб, табиий офатдан зарар кўрганларга кўрсатиладиган ёрдам фонди учун икки соат ишлаб бердилар.

Олмалиқ меҳнаткашлари Тошкентдаги 4-болалар уйидан 120 болани қабул қилиб, уларни ўзларидаги мактаб-интернатлардан бирига жойлаштирдилар. Бу ерда тошкентлик юз оилани қабул қилиш учун бир неча кўп қаватли уйлар ҳам ажратилди. Чирчиқликлар зарар кўрган юздан кўпроқ оилани янги уйларга қабул қиладилар. Янгийўлдаги Обводная кўчасида тошкентликлар учун йигирма икки квартирали уй тайёр қилиб қўйилди. Бекободлик бинокорлар Тошкентда ўз кучлари билан ўн саккиз квартирали икки қаватли уй қуриб бериш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

БАРАКАЛИ ЙИЛЛАР

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Республикамиздаги йирик олимлардан бири профессор Муҳаммаджон Муродович Қориев олтмиш ёшга тўлди. У узоқ вақт комсомол, партия ва совет ташкилотларида ишлади. Республикамизда иқтисодий таълимни ривожлантиришга, хусусан молия, кредит ва қишлоқ хўжалиги экономикаси фанларига катта ҳисса қўшди.

Кейинги ўн беш йил ичида Муҳаммаджон Муродовичнинг илмий ижоди айниқса, камол топди. Унинг 45 дан ортиқ асари ва йирик мақолаларида республикамиз экономикасининг муҳим проблемалари ёритилди ва таҳлил этилди. Олимнинг илмий тавсия ва таклифлари туфайли пахтачилигимизда хўжалик ҳисоби, ҳақ тўлаш ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга доир бир қатор тадбирлар амалда қўлланилмоқда.

Қориевнинг иқтисод фанининг йирик масалаларини ишлаб чиқишдаги хизматлари ҳам катта. Унинг раҳбарлигида «Ижтимоий маҳсулот ва Ўзбекистон ССРнинг миллий даромади» номли муҳим илмий аҳамиятга эга бўлган асар яратилди.

Одатда олимнинг меҳнати шогирдлар етиштиришдаги фаолияти билан ҳам ўлчанади. Ўрта Осиёнинг иқтисод институти ва факультетларидаги ёш олимларнинг кўпи ўртоқ Қориевнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари асосида иш олиб бормоқдалар. Фрунзе, Душанба, Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги иқтисод соҳасида ишлаётган илмий ходимлар ҳам М. Қариевнинг номини зўр ҳурмат билан тилга оладилар. Ўзбекистон Госплани бўлим бошлиғи В. Осминин, республика Фанлар академиясининг сектор мудири А. Абдуганиев, Андижондаги пахтачилик институти кафедра мудири У. Мирзаҳўжаевлар Муҳаммаджон Муродовичнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб, иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олишга муваффақ бўлдилар.

М. Қориев ўн тўрт йилдан бери Тошкент Халқ хўжалик институтига раҳбарлик қилиб келмоқда. Институт ректори сифатида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига бутун кучини сарфлаётгани учун ҳам катта обрўга эга. У студент ёшлар орасида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказиб туради. Хусусан, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси, КПСС XXIII съезди материалларига онд ўтказилган қизиқарли суҳбатлар студентларда катта таассуротлар қолдирди.

Камтар ва ғамхўр, самимий ва фидоқор олим партия ва жамоат ишида ҳам актив иштирок этмоқда. У партиямиз сиёсатининг жонкуяр пропагандисти сифатида танилган. У Тошкент область ва шаҳар партия комитетларининг аъзоси, Чилонзор район партия комитетининг бюро аъзосидир.

Ўрток Қориевнинг қирқ беш йиллик фидоқорона меҳнати партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Ленин ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва қатор медаллар билан мукофотланган, Республика Олий Совети Президиуми уни Ўзбекистон Совет ташкилотлари ишидаги ҳамда иқтисод фанини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун уч марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирлаган. Куни кеча Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан М. М. Қориевга иқтисодий фанни ривожлантириш, халқ хўжалиги учун мутахассис экономистларни тайёрлаш ва тарбиялаш соҳасидаги кўп йиллик ва самарали иши учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

Олтмиш ёшга тўлган кунида Муҳаммаджон Муродовичга яна узоқ йиллар сиҳат-саломатлик ва ижодий ишларида катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Қ. ОТАМИРЗАЕВ.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИНИ ЎҚИБ...

Дунёда инсондан улуғ, ундан доно, ундан қудратли ҳеч бир мавжудот йўқ. Инсоннинг ҳар бир қилган хатти-ҳаракати оғзи равишда маълум мақсадни кўзлаган ҳолда амалга оширилади. У ҳаётда ўз теварак-атрофида юз берастган турли хил ҳодиса ва воқеаларга бефарқ қарай олмайди.

Совет кишилари ўз табиатига кўра бошқаларни хушвақт қилишга, бошига оғир мусибат тушган ўртоқлари, ҳамсуҳбат ёрдўстларининг оғир кунида уларга ёрдам қўлини чўзишга ҳамиша тайёр. Кишилар ўртасидаги дўстлик, ўртоқлик туйғуларини редакция почтасига ҳар куни оқиб келаётган жуда кўп хатлар, хабарлардан ҳам билиш мумкин. Яхшилик қилган кишиларга миннатдорлик, кўнглини ранжитган кимсаларга ўкинч билан муносабат билдириб ёзиб юборилган кўп хатларни ўқиб чиқдик.

«Мен севимли газетамиз бўлган «Совет Ўзбекистони»ни олиб тураман, деб ёзади газетхон Ҳ. Нурматов. Газетада тез-тез меҳрибон ота-оналар, тарбиячилар тўғрисида босилган ажойиб мақолаларни қизиқиб ўқийман. Мен «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали меҳрибон келин ойим тўғрисида ўз фикрларимни баён қилмоқчиман. 5 ёшлик чоғимданоқ ота-онамдан айрилиб, келин ойим тарбиясида қолганман. Келин ойим мени ўз фарзандлари қаторида тарбия қилди. Мен 1960 йилда 10-синфни тамомлаб, Бухоро Давлат педагогика институтига кириб ўқий бошладим. Институтнинг 2-курсидан ҳарбий хизматга чақирилдим. Ҳозир эса Ватанимизнинг сув чегараларидан бирида матрос бўлиб, ҳамма қатори Ватан олдидаги бурчимни сергак туриб бажариб келмоқдаман. Аммо ҳар жойда бўлсам ҳам, меҳрибон тарбиячим бўлган келин ойимни ҳеч қачон унутмайман. Ҳурматли редакция! Газетангиз орқали Денов районидаги боғдорчилик совхозида яшаб турган меҳрибон келин ойим Норматова Санамга менинг чексиз ва самимий саломимни етказишингизни илтимос қилар эдим».

Ана шундай миннатдорлик сўзларини ўқиб, мамнун бўласиз, баъзи бир нохуш хабарларни ўқиб ранжийсиз.

Андижон область, Учқўрғон район посёлкасидаги Дружба кўча, 15-уйда гурувчи Иброҳим Охунов газетамизга ёзган хатида, шу областнинг Тўда қишлоқ Советига қарашли Калинин колхозидаги новвойхона мудири тошюрак Абдулла Эркабоевнинг разил хатти-ҳаракатлари ҳақида фикр юритади.

Бу хатнинг мазмунига кўра, инсоний фазилатларини йўқотган Эркабоев Улуғ Ватан урушининг инвалиди Ахроров Қодиржоннинг оиласини бузиб, унинг тўртта гулдек жажжи ўғилларини етим қолдириб. Мавлудани олиб қочиб кетган. Бу воқеанинг бўлиб ўтганига бир йилдан ортиқроқ вақт ўтишига қарамасдан, Қодир Ахроров 14 ёшлик Одилжон, 12 ёшлик Комилжон, 9 ёшлик Раҳимжон ва 6 ёшлик Каримжонни етаклаб ташкилотма-ташкилот саргардон бўлиб юрмоқда. Бағри тош беҳаё она Мавлуда эса Абдулланинг мол-дунёсига қизиқиб, ўзининг гулдек ўғилларидан воз кечди.

Шундай аҳволга тушиб қолган кишининг тақдирига бефарқ қараб бўладими? Қани бу ердаги жамоатчилик? Маҳалла активларичи? Учқўрғон посёлкасидаги қўни-қўшнилар?

Редакцияга келган яна бир хатда ўрта Чирчиқ районидаги, 2-«Оҳангарон» совхозида яшовчи Мукаррама Қосимованинг қўшнаси Ҳабиба холага қилган ярамас хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилинади. Мукаррама Қосимова ва унинг ўртоғи Ёқуб Пўлатовлар колхозда ҳалол меҳнат қилмасдан, олди-сотди ишлари билан шуғулланиб, қўшнилари Ҳабиба холанинг бошига не-не кунларни солганлар. Мукаррама арзимаган нарсалар устида жанжал кўтариб, уни неча марта ҳақорат қилган, хўрлаган, ёлғон туҳматлар асосида халқ ўртасида обрўсини туширишга ҳаракат қилган. Совхоз раҳбарлари Мукаррама билан Ҳабиба хола ўртасидаги шу можарони билсаларда, Ҳабиба холага яқиндан ёрдам бериш ўрнига Мукаррамаларнинг ёлғон гапларига ишониб, унинг фикрини қувватлаганлар. Кишиларимиз орасида бошқаларнинг ширин ҳаётига «сув қуювчи» қўшнилар онда-сонда бўлса ҳам учраб туради.

Яхши қўшни бўлиб яшаш ҳам катта бахт, чунки халқимиз узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни афзалроқ деб бежиз айтмаган. Яхши қўшнинг яхши кунингга ҳам яраиди, ёмон қўшнингга ҳам. Қўшнинг билан тез-тез учрашиб туришга, бирга лашиб ҳордиқ чиқаришга, ўтиришиб суҳбат қилишга тўғри келади.

Ота-боболаримиз «иморат олма, қўшни ол» дейишади. Бу жой олишдан аввал қўшни танла демакдир. Ёмон қўшни подшо газабидан ёмонроқ дейилади халқ нақлида. Бу ерда ёмон қўшнининг хатти-ҳаракатлари золим подшо газабига тенглаштирилган.

Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Москва» колхозининг 24-мактаб ўқитувчиси Насриддин Эшқувватов бизга ёзган хатининг сарлавҳасини «Туғишгандан ҳам яқинмиз» деб қўйибди. Насриддин ўз хатида Самарқанддаги жисмоний тарбия билим юртини тамомлаб, Нарпай районига ишга борганини, у ерда Эргаш ака ва унинг оиласи билан яқиндан ганишиб қолганини, уларнинг кўрсатган яқин ёрдамлари, қилган меҳрибонликлари, ўша оиланинг олижаноб инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Бу ганишиш бундан ўн йил муқаддам бўлишига қарамасдан, улар орасида ҳалигача тутишганлар сингари борди-келди муносабат давом қилмоқда. Мен «Совет Ўзбекистони» газетасида очилган «Газетхонлар давраси» сахифасида фойдаланиб, дейди хат автори, — олиқиммат, бағри кенг Эргаш Иброҳимовга, унинг фарзандлари — тутинган дўстларим Санақулга, Рўзиқулга, Умида опамизга ота-оналик меҳри билан бир парча нонини баҳам кўриб, одамгарчилик қилганликлари учун ўз миннатдорчилигимни билдирио, уларга самимий салом йўлламоқчиман.

Редакцияга келган хатларнинг яна бирида адашган бир қиз ҳақида ҳикоя қилинади.

Шу йилнинг 28 февралида Тожикистон ССР Нав районидаги Ленин номли колхозда яшовчи Олим Тожимурадовнинг 17 яшар қизи Меҳри ўз тенгдошларининг сўзи билан ота-оналаридан беруҳсат Тошкентдаги қариндошларининкига меҳмонга жўнайди. Меҳри шу куни кечқурун Тошкентга етиб келиб, қўлида маълум адрес бўлмаганлиги сабабли Кўкча дарвоза ёнида адашиб, икки-уч бебош ўртасига тушиб қолади. Шу пайт бу ишда бир сирли хабар борлигини пайқаган Кўкчадаги Микоян маҳалласининг Жалолобод проезди, 11-уйда турувчи Ҳамроали ака қизни ўз уйига олиб кетади ва беш кун давом этган анча ташвишлардан кейин уни ўз ота-онасига сиҳатсаломат топширади. Шу муносабат билан қизнинг отаси, Тошкентдаги қариндош-уруғлари ва қизнинг ўқитувчиси Юсупов, Тожимурадов, Абдуллаев, Исобоев ўртоқлар хат ёзишиб, «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси орқали Меҳрихонни қутқариб, уни топишга ёрдам қилган шу маҳаллада яшовчи Ҳамроали акага, унинг укаси Ашурали акага, уларнинг бувиси Самия онага, маҳалла комитетининг раиси Ваҳоб акага чин кўнгилдан ташаккур эълон қиладилар, уларга сиҳат-саломатлик тилайдилар.

Совет кишиларининг олижаноб фазилатлари ҳақида яна қанчаканча мисоллар келтириш мумкин. Бундай олижаноблик Совет кишилари бир-бирларига дўст, ўртоқ ва биродар эканлигининг яққол далилидир.

И. ЖУМАБОЕВ,
фалсафа фанлари кандидати.

Планетамизда

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА НЕРУ ПОРТРЕТИ

ДЕҲЛИ, 6 май. (ТАСС). Ҳиндистон парламентининг марказий залида парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари, жамоат арбоблари ва сиёсий арбоблар иштироки билан ўтказилган тантанали маросимда кеча кечқурун Ҳиндистон Республикасининг президенти С. Радхакришнан мамлакатнинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри Жавоҳарлаъл Неру портрети устига ёпиб қўйилган пардани олди. Нерунинг таниқли рассом Святослав Рерих чизган портрети энди парламентнинг марказий залига Ҳиндистоннинг бошқа атоқли арбобларидан 11 кишининг портрети билан бирга қўсиб бериб туради. Маросимда президент Радхакришнан, халқ палатасининг раиси Хукам Сингх, парламентнинг бир қанча депутатлари нутқ сўзладилар. Уларнинг ҳаммаси Жавоҳарлаъл Неру Ҳиндистоннинг мустақил ва суверен давлат бўлиб қолиши учун катта хизматлар қилгандигини гапирдилар.

ГЕНЕРАЛ КИ ВАЪДАСИДАН ВОЗ КЕЧДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ҳарбий хунтасининг бошлиғи генерал Ки Америка ҳарбий самолёти қўриқлаган ҳолда Америка вертолётида Сайгондан жўнаб, Жанубий Вьетнам шимолий вилоятининг маркази — Куангнгай шаҳрига келди. Америка информация агентликларининг хабарларида айтилишича, Кининг юрак ютиб бундай сафарга чиқишидан мақсад Америка ва Сайгон қўшинлари Вьетнам партизанларининг отрядлари билан шиддатли жанглар қилган районларни кўздан кечиришдир.

Генерал Ки Куангнгайда гапириб айтдики, фақат уруш воситаси билангина тинчликка эришиш мумкин. Партизанлардан қанча кўп киши ўлдирилса, Вьетнамда тинчликка эришиш вақти шунчалик яқинлашади, деди қўғирчоқ ҳукуматнинг бошлиғи. У, мухбирлар билан қилган суҳбатида ўзининг Жанубий Вьетнамда уч ойдан кейин ялпи сайлов ўтказиш тўғрисида илгари берган ваъдасидан ҳақиқатда воз кечди.

У ТАННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари У Тан Европа кенгашининг Страсбургдаги сессиясида нутқ сўзлаб, Вьетнамдаги уруш халқлар ўртасида тарин ҳам конструктив муносабатлар боғлаш учун жуда катта ғов бўлиб турибди, деди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари учинчи жаҳон уруши «тасаввур қилиб бўлмайдиган» уруш бўлишини айтиб дедики, «агар биз ўзимиз ожизлик қилиб ялпи фалокат чукурига тойиб кетишни истамас эканмиз, бунинг учун бир неча зийрак ва ажойиб арбобларгина эмас... шу билан бирга бутун-бутун халқлар ҳам ўз раҳбарлари ва ҳукуматларининг бизни ўтмишга эмас, балки келажакка қарашимизни рағбатлантирадиган қилиб, онгли равишда куч ва ғайрат сарфлашлари зарур. Эндиликда фақат баъзилар учунгина эркинлик ва равнақ бўлиши кифоя қилмай қолди».

Иқтисодий ривожланишнинг тенгсизлиги, деди сўнгра у, реал таҳдид туғдиради.

«Иқтисодий ривожланишнинг халқаро программалари ва ёрдамлашиш тўғрисида ники ёқлама битимлар мавжудлигига қарамай, деди У Тан, ҳеч шубҳасиз шуни айтмоқ керакки, бой ва индустриалашган мамлакатлар тобора бойимоқда, аммо камроқ ривожланган мамлакатлар жуда яхши деганда турғунлик ҳолатида турибди.

Сўнгра У Тан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ядро уруши келтирадиган оқибатларни чуқур ўрганиб чиқиши ва ўзининг шу хулосаларини турли тилларда кенг тарқатиши лозим, деди.



Колумбия. Латин Америкасидаги бу кичик мамлакатнинг жасур халқи ўз мустақиллиги учун, демократия учун, Америка капиталистларининг ҳукмронлигига қарши мардона кураш олиб бормоқда. Ишчилар ва деҳқонлар ватан озодлиги учун курашаётган партизанлар сафини тўлдирмоқда. Чангалзорларда оддий ускуналар ёрдамида варақалар чиқарилиб, деҳқонлар ва аскарлар орасида тарқатилмоқда. Партизанлар аскарларни халқ томонига ўтишга даъват этмоқдалар.

Пренса Латина—ТАСС фотоси.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

ВАШИНГТОН, 6 май. (ТАСС). АҚШ президенти Л. Жонсон Америкадаги уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш тўғрисида юстиция министрига фармойиш берди. Президент Қўшма Штатлардаги уюшган жиноятчилик ва «Америка жамиятига қарши» қилинаётган уруш деб, «ҳар йил жуда кўп одамларнинг ўлишига сабаб бўлаётган ва минглаб гражданларни террор қилаётган» уруш деб атади.

АҚШдаги уюшган жиноятчилик, деди Жонсон, мамлакатга жуда кўп моддий зарар етказмоқда. Қиморбозлик, наркотиклар билан савдо қилиш, фоҳишалик, қалбакилик ва бошқа операциялар натижасида миллиард-миллиард доллар пул исроф бўлмоқда, деди президент. Жиноятчилар расмий кишиларни пора бериб сотиб олиш йўли билан жазодан қутулиб қолишга уринаётганлиги энг кўп зарар етказмоқда, деб уқтириб ўтди президент.

ШТРАУС — ФАШИЗМ ЭЛЧИСИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг «Спотлайт» бюллетени «Штраусинг Жанубий Африкага махфий мақсад билан келиб Фервурд ва Смит билан махфий суҳбатлар ўтказаётганлиги ва бу сафарнинг характери бизни таажжублантирмайди» деб ёзмоқда.

Ўзи мудофаа министри бўлиб турган вақтда, деб ёзади бюллетень, «Штраус Африкада бизнинг халқларимизни эксплуатация қилиб ва эзиб ёзган шахслар билан ва бошқа қитъалардаги реакция кучлари билан Гарбий Германиянинг ҳамкорлик қилишини уюштиришга бош бўлган эди».

«Спотлайт» Штраусниг ўтмишда нацист бўлганлигини эслатиб қуйидагиларни ёзади: «Биз жаноб Штраусга шунигина кўрсатиб ўтишимиз мумкинки, халқлар 1945 йилда фашизмни янчиб ташлаган эдилар. Бугун биз фашизмга қарши курашмоғимиз ва уни абадий тугатишимиз лозим».

АҚШДА ЕР ОСТИ ЯДРО СИНОВИ ЎТКАЗИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК. АҚШ атом энергияси комиссияси 5 майда Невада штатидаги атом полигонида ер остида яна ядро синови ўтказилганлигини эълон қилди. (ТАСС).

КЕНИЯДА ЯНГИ ПАРТИЯ

НАЙРОБИ (ТАСС). Кениянинг Момбаса деган порт шаҳрида Кения халқ конвенти партияси деб аталган янги партия тузилганлиги эълон қилинди. Бу партия тузилганлигини партия раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Овуор Огунду ва партия бош секретари вазифасини вақтинча бажарувчи Исайя Огойя Овидхи эълон қилдилар. Улар партиянинг устави тахт қилиб қўйилганлигини ва партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида яқин орада ҳукуматдан илтимос қилмоқчи бўлганликларини айтдилар.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

СОАТ ЦИФЕРБЛАТИГА ЖОЙЛАШГАН ЮЗ ЭКСПОНАТ

Жмеринслик моҳир уста Михаил Маслюк шу вақтгача қўлнори уруғидан катта бўлмаган ажойиб нарсалар ясаб ном чиқарган эди. Яқинда у яна бир янги «мўъжиза» яратди, у ясаган электр моторчанинг катталиги қўлнори уруғидан эллик баравар ничик. Бу ишлаб турган моторчанинг овози фақат махсус асбоб билан кучайтирилганидагина эшитилади.

Украина халқ ижодкорлигининг бу моҳир устаси Михаил Маслюкнинг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган лабораториясида кўпгина янги ва ажойиб нарсалар яратилган. Шу лабораторияда нўхат донасидек фотоаппарат билан суратга олинган миллиметрли фотопортретлар, жуда кичкина микроскоплар, турли станоклар, мамлакатнинг баъзи медицина институтлари ва клиникалари учун ясалган, кўз, қулоқни операция қилиш учун, энг майда ҳашаротларни ёриб кўриш учун ишлатилаётган микроскопик асбоблар бор. Унинг квартирасини бамисоли ажойиб музей деса бўлади. Бу музейни область меҳнаткашларидан мингминглаб кишилар келиб кўрган. Ҳозир бу уста ажойиб кўчма виставка тайёрлади. Бу виставка соат ойнаси остига жойлашган. Соат циферблатида юзтадан кўпроқ нодир микроскопик экспонатларни кўриш мумкин.

ЖЎЖА ХУРОЗМИ ЁКИ...

Ленинград биологлари тухумни ёриб чиқадиган жўжа хўрозми ёки макиёнми эканлигини олдиндан билиб беришни «электрон мия» аппаратига топширишди.

Сеченов номидаги эволюцион физиология ва биохимия институтининг ходими Олег Будиновнинг фикрича, товуқ тухумидаги актив электр қаршилик ва электр қувват тухумнинг физикавий-химиявий тузилишига ва биологик хоссаларига чамбарчас боғлиқдир. Электрон-ҳисоблаш машинаси учун ишлаб чиқилган альгоритм шу қонуниятларни бирлаштирди.

Информация тўплана борган сари электр машина ҳам ўз маҳоратини шунга яраша такомиллаштира беради. Бу машина тухумнинг электр параметрларини шу тухумга хос хусуниятлар билан таққослаб ҳар сафар унинг потенциал имкониятларини, тухум ичида пайдо бўлаётган жўжанинг ҳаёт қобилиятини ва жинсини аниқроқ белгилаб бераверади.

Будиновнинг фикрича, «электрон мия» яратган рақамлар комплекси кейин шундай оддий асбоблар вужудга келтиришга имкон берадики, бу асбоблар электроника «тажрибасига» таяниб, паррандачилик фабрикалари ва иннубаторларнинг ўзида тухумларни хиллаб бериш вазифасини бажарадиган бўлиб қолади.

М. ЧЕРНИЙ, В. ГАНШИН,
(ТАСС мухбирлари).

200 ТОМЛИК ДУРДОНА

(НОШИР БИЛАН СУҲБАТ)

Китоб ишқибозлари учун ажойиб совға тайёрланмоқда. СССР Министрлар Совети Матбуот комитети яқинда «Жаҳон адабиёти танланган асарлари» кутубхонасини нашр этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ишга илмий раҳбарлик қилиш вазифаси СССР Фанлар академиясининг А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтига топширилди. Бу китоблар «Бадиий адабиёт» нашриётида босмадан чиқарилади.

Нашриёт директори В. А. Косолапов шу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— 1918 йилда Горькийнинг ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» нашриёти ташкил этилган эди. Унинг вазифаси — совет китобхонларини улуғ француз революциясидан тортиб то Октябргача бўлган даврдаги жаҳон адабиётининг энг нодир асарлари билан изчил таништира бориш эди. Бу ташаббусни В. И. Ленин қизғин маъқуллади. Уша пайтнинг ўзида нашр этиладиган асарларнинг рўйхати бир неча тилда босиб чиқарилган ҳам эди. Афсуски, бу улкан режани ўша вақтда тўла амалга оширишнинг иложи бўлмади. Мана, Жаҳон адабиёти институти ходимлари олдида яна ғоят мураккаб вазифа пайдо бўлди: улар жаҳон классикларининг сон-саноқсиз бойликлари орасидан энг яхши асарларни танлаб олишлари керак. Бу жуда ҳам оғир иш. Аммо, ҳозир ана шу асарларнинг рўйхати тузиб чиқилди. Тез кунда у нашрдан чиқади.

— Бу кутубхонада қандай китоблар бўлади?

— Кутубхона 200 томдан иборат бўлиб, китобхонларга қулай бўлсин учун уч серияга бўлиб чиқарилади. Агар сиз қадимги замон адабиёти билан қизиқсангиз, мархамат, биринчи серияга ёзилишингиз мумкин. Бу серияда машҳур ҳинд эпоси «Махабхарата», антик драмалар, «Минг бир кеча» эртакларидан энг яхши намуналар берилади. Худди шу серияга бизда анчадан бери нашр қилинмай келаётган Д. Чосернинг «Кентерберий ҳикоялари», Д. Мильтоннинг «Йўқолган жаннат» ва лирикалари ҳам киритилган. Биринчи серияда ҳаммаси бўлиб 66 том бор.

Ундан кейин 64 томдан иборат XIX аср адабиёти бўлади. Бунда адабиёт юлдузлари мужассам этилган! Учинчи серия 70 томдан иборат бўлиб, унга XX аср ёзувчиларининг китоблари киритилган.

— Ҳозир қандай амалий ишлар қилинди?

— Жамоатчилик асосида редакцион совет тузилди, унга энг йирик олим ва ёзувчилар жалб этилди. Нашриёт рассомлар орасида энг яхши китоб безаги учун конкурс ўтказяпти. Биз бу китобларнинг безаги бошқа нашрлардан ажралиб туришини ўйлаяпмиз.

— Китоб ишқибозлари дастлабки томларни қачон оладилар?

— Нашр муддати ўн йилга мўлжалланган. Дастлабки томлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллиги арафасида чиқарилади. 1967 йилда китобхонлар 21 томни олишлари мумкин. Биринчи серияда 7 том нашрдан чиқади. Улар Гомер, Апулле, Лонг ва Петронийларнинг поэмалари, фин эпоси «Калевала», Дантенинг «Илоҳий комедия»си, Боккаччонинг «Декамерон»и, Шекспирнинг драма, сонетлари ва шунга ўхшаш асарлар нашр этилади. 7 томдан иборат иккинчи серияга эса Костер, Пушкин, Мицкевич, Толстой, По ва Теккерейлар кирган. Охирги учинчи серияни эса Блок, Барбюс, Гашек, Горький, Рид, Стейнбек ва Шолом-Алейхемлар бошлаб беради.

Бу дурдоналар кутубхонасига шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб ёзилиш мумкин. Тиражи ҳозир тахминан 300 минг нусха белгиланди.

(«Комсомольская правда»дан).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

РАДИО КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт. 9.30 — Тамбурчи Т. Алиматов. 9.45 — «Миллионлар овози». (тож.). 10.10 — Идеология соҳасининг зарбдор звеноси» (рус.). 10.30 — «Фонотекамиз олтин йиллари» (концерт-очерк). 11.25 — Енгил куйлар. 12.15 — Спорт эшиттириши (рус.). 12.30 — Концерт. 12.50 — Грузин радиоси эшиттириши (рус.). 13.40 — С. Рихтер концерти. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун. 16.15 — Радио ва телевидение активлари учун концерт. 17.30 — Уйғур куйлари. 18.10 — Оперетта артистлари концерти. 18.30 — Чолғу куйлари. 19.00 — Радио кунига бағишланган концерт (А. Навоий номли театрдан).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

РАДИО КУНИ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — **Ёш радио хаваскорлари** (болалар учун). 17.35 — **«Агат ва Сириус»** (телеочерк). 17.45 — **Телевизион янгиликлар.**

Рус тилида: 18.00 — **Совет телевидениеси ҳақида.** 18.35 — **Халқаро бирдамлик** (ҳужжатли фильм). 19.00 — **Радио кунига бағишланган концерт** (Навоий номли театрдан). танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида). концертдан сўнг — **Олтин қўллар** (рус тилида).

23.00 дан — **Москва кўрсатади** (тажриба тариқасида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе кўрсатади.**

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Қирол Лир**, 8/V да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/V да **Ёшликда берган нўнгил**, 8/V да **Гули сиёҳ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эснадра гарбга йўл олади — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Мен келдим — «СПУТНИК» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Ишчилар посёлкаси — «МИР» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10, кундуз 4 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (кеч 9 да).

Май ойи — «МОСКВА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Замон даъвати (кеч соат 6 да), **Дон-Кихот болалари** (кеч 8 ярим да) — «ЮЛДУЗ».

Қоидасиз ўйин — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

Чангда қолган гул (1 ва 2-серия) — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз соат 5 ва кеч 7 да).

БУТУНИТТИФОҚ ЕҒЛАР ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ УРТА ОСИЁ ФИЛИАЛИГА

таянч пунктининг мудири (старший илмий ходим), **етакчи конструктор, ўсимлик ёғлари технологиясига доир старший илмий ходимлар, трубопроводчи-слесарлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 27-уй.

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8 ярим ва 10-15 минутда бошланади)

Ноль уч — 1-МАЙ номли.

Текширилди, миналар йўқ — «УДАРНИК».

Эснадра гарбга йўл олади — НАВОИЙ номли.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

9 май кундуз соат 12 ва кеч 8 да

КАТТА БАЙРАМ

концертлари

Концертларда: СССР халқ артистлари **Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Саодат Қобилова, Галия Измайлова,** Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов, Жамол Низомхўжаев. Клара Юсупова, Гулнора Маваева,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргаш Йўлдошев, Михаил Давидов, Д. Қосимов, Ҳалима Комиловалар** қатнашади.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли жўр бўлади.

Билетлар сотилмоқда.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

кечки бўлимнинг махсус группасига

1966/67 ўқув йили учун

қабул қилади

Махсус группага инженерлик ёки педагогикадан олий маълумотли кишилар математикадан (ёзма ва оғзаки) кириш имтиҳонини топшириш натижасига қараб конкурс тартибда қабул қилинади.

Ўқиш муддати 4 йил.

Ҳужжатлар механика-математика факультетининг кечки бўлими деканатида 10 майгача қабул қилинади. Кириш имтиҳони 12 майдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 3-қават, 174-хона (кеч соат 7 дан 8 гача).

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1966 йил 18 май кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимининг химия фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй. Фанлар академиясининг кичик конференц-зали) химия фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Е. И. Беренштейн: «Целлюлоза сорбати ва ацетосорбатининг олиниши ва хоссалари» деган темада.

Т. Сайдалиев: «Пахта целлюлозасининг водород боғи» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 18 май кундуз соат 2 да, Тошкент Давлат медицина институтининг илмий совети мажлисида (акт зали) медицина фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

А. У. Шоюсупова, «Шизофрения клиникасида депрессив ва маниакал ҳолатлар» деган темада.

А. У. Усмонова :«Сурункали топзиллитда танглай безининг ўзгаришини клиник-морфологик ва гистохимик текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ. «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37288, Партия турмуши — В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31226, Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиши ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33258, Қишлоқ хўжалик — В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32317, Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37162, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ — 101. Индекс 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 08387.